O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2010-yil Fevral

| Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan ● E-mail:urmvd@inbox.uz ● №08(3849)

Баркамол авлод – мамлакат келажаги

## ҚАЛБЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

***«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг шу йил 15 январда бўлиб ўтган Ҳайъат йиғилиши қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҲООББ ходимларининг А. Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.***



– 2010 йил – Баркамол авлод йили деб эълон қилингани ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топиши, ижодий қобилиятларини намоён этишларига замин яратди, – деди тадбирда сўзга чиққан ИИВ ҲООББ бўлим бошлиғи, подполковник И. Жаҳонгиров.Нотиқ шунингдек, Президентимизнинг республика Конституциясининг 17 йиллиги муносабати билан ўтказилган йиғилишда сўзлаган нутқида белгиланган режалар, вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бу борада халқаро Конвенцияда қайд этилган мулоҳазалар тўғрисида маълумот берди.

– Маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда ўсмирларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш тарбиявий жараённинг муҳим бўғини ҳисобланади, – деди Бош бошқарма катта инспектори, подполковник Р. Хван. – Бундай тадбирлар уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Учрашув давомида тарбияланувчилар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди. Ходимлар болаларга бадиий адабиётлар ҳамда ширинликлар совға қилишди.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, мазкур масканда ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Тажрибали мураббийлар, жумладан, Н. Верешагина, Т. Пустовалова, А. Асриянц, Х. Рапикова, З. Қодирова ва бошқалардан сабоқ олган кўплаб тарбияланувчилар бугунги кунда турли соҳаларда баракали меҳнат қилишмоқда. Меҳрибонлик уйи бистирувчилари орасида республикада хизмат кўрсатган мураббийлар А. Бикова, Л. Шукина, хизмат кўрсатган қурувчи О. Янгибоев ва бошқа таниқли кишилар борлиги қувончлидир.

Муассаса тарбияланувчиси В. Кустов бир неча йил аввал Меҳрибонлик уйига жойлаштирилган эди. Ўсмир бу ерда ёлғизланиб қолмади. У фақат аъло баҳоларга ўқиб, адвокатлик касбини эгаллаш ниятида.

– Мен келажакда ошпаз бўлмоқчиман, – дейди 15 ёшли Ж. Ўлмасов. – Ниятим миллий таомларимизни мазали қилиб тайёрлаб, жаҳонга танитишдир.

– Ходимларимиз ушбу муассасага тез-тез ташриф буюриб, профилактик суҳбатлар ўтказишади, – дейди республика ИИВ ҲООББ бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник Ғ. Эшонқулов. – Болалар ҳуқуқий масалаларга доир янгиликлар, ўзгаришларга бефарқ эмас. Бу борадаги зарур маълумотлар улар онгига содда, тушунарли тарзда етказилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад болаларни ўкситмай вояга етказиш, баркамол авлод бўлиши учун имконият яратишдан иборатдир.

**Надежда ЛИ.**

**Суратда:** *тарбияланувчилар билан учрашув пайти.*

**Ш. ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

Халқаро анжуман

## БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Республика Олий суди ҳузуридаги тадқиқот маркази, Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари ҳамда ЮНИСЕФнинг ва Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мазкур халқаро конференциянинг мақсади – ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасига оид миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, ҳар томонлама баркамол ривожланишининг ҳуқуқий асосларини бундан-да мустаҳкамлашдир.

Анжуманда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган халқаро тамойиллар ва стандартлар ҳамда миллий Қонунчилигида мавжуд маъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида болаларнинг ёши ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, одил судловнинг ижтимоий йўналтирилган тизимини яратиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Ушбу масалага оид миллий тажриба ва халқаро стандартлар хусусида турли мавзулардаги маърузалар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

**М. ОЧИЛОВ,**
**капитан.**

Осиё чемпионати – 2010

## ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

### Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати якунланди

**Халқаро гимнастика федерацияси кўмагида Осиё гимнастика уюшмаси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Сурия, Қозоғистон ва Қирғизистондан жами юз эллик нафарга яқин гимнастикачи ўзаро куч синашди.**

Мусобақалар қизғин, кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Чунки спортчилар медаллар жамланмасидан ташқари жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда ёшлар ўртасида бўладиган I Олимпиада ўйинларига бериладиган йўлланмалар учун ҳам курашдилар.



Илк маротаба ўтказиладиган ёшлар Олимпиадасида нафақат ўз юрти, балки бутун Осиё қитъаси шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун гимнастикачилар бор иқтидори, маҳорати ва тажрибасини намойиш этди. Мусобақа кульминацияси – яккаликлар ўртасида бир жуфт олимпия йўлланмаси учун кўпкураш беллашувлари мусобақанинг сўнгги куни – 19 февралда ўтказилди.

Қоидага биноан беллашувларга тўртта гимнастика предмети – арғамчи, ҳалқа, тўп ва булава ўйнатиш бўйича энг кучли спортчилар қўйилди. Улар барча предметлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Ғолиб ва совриндорлар бажарилган машқларга қўйилган балларнинг умумий йиғиндиси бўйича аниқланди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Азиза Мамажонова кўпкураш беллашувларида биринчи ўринни эгаллади.

А.Мамажонова Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида кашф этилган иқтидорли гимнастикачилар орасида энг кучлиси эканини бир неча маротаба исботлади. Унинг тўп, ҳалқа, булава, арғамчини моҳирлик билан ўйнатиши, чаққон ва нозик ҳаракатлари, мусиқани ҳис этиш қобилиятига гувоҳ бўлган мухлису мутахассислар спортчимизнинг салоҳиятини юксак баҳолади.

Азиза яккаликлар ўртасидаги кўпкураш беллашувларидан ташқари, тўп, булава ва ҳалқада машқ бажариш бўйича учта олтин, арғамчи ёрдамида бажарилган композицияда эса кумуш медални қўлга киритди. Жамоадошлари Сарвина Холиқова ва Ҳусниябону Ғуломова ҳамкорлигида жамоавий беллашувларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Ҳусниябону Ғуломова яккаликлар ўртасида арғамчида бажарилган машқлар бўйича олтин, Сарвина Холиқова эса ҳалқа ўйнатишда кумуш медални қўлга киритди.

Юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия, спорт ва соғлом турмуш тарзига жалб этиш тўғри йўлга қўйилди. Спорт – инсоннинг жисмоний ва маънавий камолоти асоси, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшлар учун ўз қобилияти, истеъдоди ва имкониятларини рўёбга чиқариш воситасидир.

Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари сингари бадиий гимнастика бўйича ҳам моҳир спортчиларни тайёрлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз жамоавий беллашувларда учинчи ўринни эгаллади. Ульяна Трофимованинг шахсий биринчиликда бир жуфт бронза медални қўлга киритгани ўзбек гимнастикаси жадал ривожланиб бораётганидан далолатдир. Тошкентда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати эса тажрибали спортчиларимизга муносиб ўринбосарлар етишиб чиқаётганини кўрсатди.

...Тошкентда ўтган Осиё чемпионати беллашувлари якунланиб, энг ҳаяжонли дамлар – ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошланди.

Томошабинларнинг гулдурос қарсаклари остида майдонга яккаликлар ва гуруҳ беллашувларида совринли ўринларни эгаллаган гимнастикачилар кириб келади.

Яккаликлар ўртасидаги кўпкураш беллашувларида ғолиб чиқиб, Сингапурда бўладиган ёшлар Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритган Азиза Мамажоновага олтин медални Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти Лола Каримова топширди.

Спортчимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Иккинчи Олимпиада йўлланмаси ва кумуш медалга қозоғистонлик Юлия Кизима сазовор бўлди. Бронза медаль қозоғистонлик Юлия Семёновага насиб этди.

Гуруҳлар ўртасидаги кўпкураш беллашувларида ғолиб чиққан Япония терма жамоаси аъзолари – Сара Огисо, Шихо Сузуки, Мако Сасаки ва Момока Нагаи олтин медаль ва олимпия лицензияси билан тақдирланди.

Хитойлик спортчилар кумуш, Зарина Қурбонова, Луиза Ғаниева, Вероника Угай ҳамда Ольга Кирьяковадан иборат терма жамоамиз бронза медални қўлга киритди.

Тантанали маросим таниқли санъаткорлар ижросидаги катта концерт билан якунланди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВЧИ МУЛОҚОТЛАР

**Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни турли диний ва экстремистик таъсирлардан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш таъкидланган. Мазкур дастур доирасида республика Ички ишлар вазирлигининг тажрибали раҳбар ходимлари томонидан Тошкент шаҳридаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида «Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилиш» мавзуида учрашувлар бўлиб ўтмоқда.**



ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси ҳамда Учтепа тумани ИИБ ҲООБ ходимлари Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежига ташриф буюришди. Бош бошқарма бўлим бошлиғи, полковник Сулаймон Валиев, инспектор, кичик сержант Илҳом Қаюмов, Учтепа тумани ИИБ ҲООБ бошлиғи, подполковник Абдумурод Эргашев, ВЕОҲООГ катта инспектори, капитан Наврузбек Хидиралиев, профилактика инспектори, капитан Шуҳрат Юнусовлар сўзга чиқиб, ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг олдини олиш учун қўлланилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапиришди.

Тадбир сўнггида мавзуга оид савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**Г. АВАЗОВА.**

* * *

Тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган учрашувда педагог ва ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ бўлим бошлиғи, подполковник А. Сулаймонхўжаев, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ бўлинма бошлиғи, майор З. Сайдалиевларнинг маърузаларини диққат билан тинглашди.

– Ҳар бир ота-она ўз фарзандини эл-юрт корига ярайдиган, яхши ном қолдиришини тилаб вояга етказади. Шу ўринда уларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчи-устозларнинг панд-насиҳатлари, ўгитларига амал қилиш катта аҳамият касб этади, – деди подполковник А. Сулаймонхўжаев. – Ҳар бир бола нималар билан машғуллиги, кимлар билан дўстлашганини билиб, ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз уларни тўғри йўлга солишда муҳим эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Муҳокама этилган мавзу долзарблиги билан барчанинг эътиборини тортди.

**М. ИБРАГИМОВА.**

* * *

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Б. Сирожиддинов номли академик лицейда бўлиб ўтган учрашув ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Унда республика Ички ишлар вазирлиги ЖҚ ва ТҚКББ катта тезкор вакили, подполковник Ҳ. Умаров вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни турли салбий таъсирлардан сақлаш хусусида маъруза қилди.

*(Давоми 2-бетда).*



# ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг тоғли ҳудудлари оператив ишлар бўйича ўринбосари, майор Қўзимурод Тоштемирович Жумаев.**

Қўзимурод Тоштемирович Жумаев 1970 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Сурхондарё вилояти ИИБ ЖТСБ ротасининг милиционери лавозимидан бошлаган. 1999–2010 йилларда. Тошкент шаҳар Бектемир тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, ИИВ Академияси ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти ИИБ ТИБ катта ҳуқуқшуноси, ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғининг ўринбосари, бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

* * *



**Фарғона вилояти Учкўприк тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Эркинбек Насимбекович Раҳимов.**

Эркинбек Насимбекович Раҳимов 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, Фарғона Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1992 йилда Фарғона вилояти Фурқат тумани ИИБ балоғат ёшига етмаганлар ишлари инспекцияси инспектори лавозимидан бошлаган. 1994–2010 йилларда Ўзбекистон тумани ИИБ милиция участка инспектори, ЖҚБ тезкор вакили, вилоят ИИБ КР ва ТҚКБ тезкор вакили, ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Фурқат тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

## Баркамол авлод – мамлакат келажаги

# ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВЧИ МУЛОҚОТЛАР

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Маърузачи мамлакатимизда ёшлар таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши, ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб камол топиши учун барча шарт-шароитлар яратилгани, бундай имкониятдан унумли фойдаланиш зарурлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, трансмиллий жиноятлардан бири – одам савдосига тўхталар экан, ушбу жиноятнинг аянчли оқибатлари тўғрисида гапирди. Бу борада келтирилган мисоллар мулоқот қизиқарли ўтишини таъминлади. Подполковник Ҳ. Умаров ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида жамоат ташкилотлари ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик, милиция таянч пунктлари қошида ташкил этилган спорт ва касб-ҳунар тўгаракларининг аҳамияти ҳақида ҳам фикр юритди.

Лицей директори Қ. Ибодуллаев эса ҳар бир ўқувчи тартиб-интизомга қатъий риоя қилиши, дарсларни қолдирмасдан пухта ўзлаштириши, ота-онаси ва устозларининг панд-насиҳатларига қулоқ тутиши лозимлигини уқтирди.

**А. ФАЙЗИЕВ.**

* * *

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида ҳам ойлик доирасида тадбир ўтказилди. Унда ИИВ ҲООББ бўлим бошлиғи, полковник Нуриддин Ўралов, ИИВ ҲООББ инспектори, капитан Баҳриддин Султонов, Чилонзор тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор Даврон Азизов, профилактика инспектори,



капитан Йўлдош Кенжаевлар иштирок этишди. Маърузачилар ўқувчиларга ёшлар орасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, уларнинг ёт диний оқимларга адашиб кириб қолган тенгдошларининг аянчли қисмати ҳақида мисоллар орқали сўзлаб бердилар.

Ўқувчилар томонидан берилган саволлар уларнинг бундай ҳолатларга бефарқ эмаслигини кўрсатди.

**Ўз мухбиримиз.**

* * *

Республика Адлия вазирлигига қарашли Тошкент юридик коллежида бўлиб ўтган учрашувда Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ 3-батальони командирининг ўринбосарлари, подполковниклар Ҳасан Сафаров ва Қодир Абубакировлар кун тартибидаги масала юзасидан атрофлича тўхталиб, таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, гиёҳвандлик ва бошқа нохўя хатти-ҳаракатлар ҳамда уларнинг зарарли оқибатлари хусусида сўз юритишди. Шунингдек, Баркамол авлод йилида ёшлар тақдири, улар комил инсон бўлиб вояга етиши учун ота-оналар, маҳалла-кўй, ўқитувчи ва мураббийлар, кенг жамоатчилик масъул эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

**Ф. АБДИЕВ.**

* * *

Сирғали туманидаги Молия-иқтисодиёт коллежида бўлиб ўтган тадбирда эса Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ Ташкилий инспекторлик бошқармаси бошлиғи ўринбосари, капитан Бурхонхўжа Акромов, ЖИЭББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бош юрист-консультанти, майор Қобил Тожибоев, бўлим катта инспектори, лейтенант Шуҳрат Алиев иштирок этиб, бугунги куннинг муаммосига айланган иллатлар ҳақида сўз юритишди. Ёт ғояларга кўр-кўрона эргашиш, гиёҳвандлик дардига мубтало бўлишнинг аянчли оқибатлари ҳақида бир қанча мисоллар келтириб, ўқувчиларга кенг маънода тушунчалар беришди.

Тадбир сўнггида ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**У. БОЛЛИЕВА.**

**Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда бу борадаги учрашувлар давом этмоқда.**

**Суратларда:** *тадбирлардан лавҳалар.*

**А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

## Тадбир

# АДВОКАТЛАРГА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида бўлиб ўтган анжуман «Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзуига бағишланди. Ушбу тадбир Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йилнинг 27 январида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» деб номланган маърузасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ташкил этилди.**

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида адвокатура институтини ислоҳ қилиш, унинг инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Адвокатуранинг ташкилий мустақиллиги таъминланди, уни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш яхшиланди. Адвокатларнинг мустақиллиги кафолатлари кучайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди ва адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизими яратилди.

Анжуманда ана шу ютуқлар алоҳида таъкидланиб, адвокатура институтини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан боғлиқ масалалар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, адвокатура, нодавлат нотижорат ташкилотлари, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот марказлари масъул ходимлари, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинди ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси Т. Саййидов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари Е. Каньязов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари О. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А. Шарофиддинов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник С. Нурматовлар маъруза қилиб, адвокатура институтини такомиллаштиришга оид қонун ҳужжатларининг амалдаги ижроси ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритишди.

Шундан сўнг нодавлат нотижорат ташкилотлари, олий ўқув юртлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

**Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ-да пойтахтимиздаги автомототранспорт воситаларини 2009 йилдаги мажбурий техник кўриги натижалари ва 2010 йил техник кўрикка тайёргарлик кўриш мавзусига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари, полковник Б. Тошмуҳамедов олиб борди. Кун тартибидаги масала юзасидан шаҳар ИИББ ЙҲХБ техник назорат бўлими бошлиғи, подполковник О. Исмоилов, ЙПХБ командирининг биринчи ўринбосари, подполковник Ж. Каримов, бўлинма бошлиғи, З. Сайдалиев, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳаракат хавфсизлиги бўлими бошлиғи О. Қўчқаров, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи В. Исмоиловларнинг маърузалари тингланди.**



Йиғилишда сўзга чиққанлар шаҳримиз йўлларида ҳаракат хавфсизлиги, фуқаролар соғлиги ва мол-мулки дахлсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлар натижасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йўл-транспорт ҳодисалари бир мунча камайишига эришилганини таъкидлашди. Шунингдек, айрим ҳолларда автомобилларнинг техник ҳолати юзаки назорат қилинаётгани, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда бепарволикка йўл қўйилаётгани нохуш ҳолатларни келтириб чиқараётганини қайд этишди. Шундан сўнг 2010 йилнинг 1-мартида бошланадиган транспорт воситаларининг техник кўригига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилиш иштирокчиларига йўл-транспорт ҳодисалари акс этган видеолавҳалар намойиш этилди.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.**

**Суратда:** *тадбирдан лавҳа.*

**Шавкат ҚАҲҲАРОВ олган сурат.**

## Кўрик-танлов

# ТУРКУМ БОШЛИҚЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

**Республика ИИВ ЖИЭББ тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасаларининг тарбиявий бўлим бошлиқлари ўртасида «Намунали туркум бошлиғи» кўрик-танловининг ўтказилиши анъанага айланган. Бундан кўзланган мақсад муассасалар тарбиявий хизмат ходимларининг касб маҳоратини ошириш, сиёсий-ижтимоий ва маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтириш, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни қайта тарбиялашдан иборат.**



Яқинда ИИВ ЖИЭББ мажлислар залида кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар қонунчилик, хизмат ва ижрочилик интизоми, миллий истиқлол ғояси, сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий ҳамда ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказишди. Қизиқарли ва баҳс-мунозараларга бой тарзда кечган беллашув якунига кўра лейтенант Ғ. Бақоев барча шартлар бўйича юқори балл жамғариб, кўрик-танлов ғолиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни капитан Ш. Эшбўриев ҳамда катта лейтенант Ш. Хушвақтовлар эгаллашди.



Шунингдек, тадбирда 2009 йил якунларига кўра муассасаларда тарбиявий ишлар, маънавий ва маданий тадбирларни самарали ташкил этган ҳамда махсус контингентлар ўртасида ўтказилган «Ижод», «Спартакиада», «Миллий ғоя тарғиботи» ва «Деворий нашр» каби кўрик-танловларнинг ғолиблари эълон қилинди.

Ғолиб ва совриндорлар Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ, «Постда» мухбири.**

**Суратларда:** *кўрик-танловдан лавҳалар.*

## Хабарлар

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Фавқулодда вазиятларга олиб келувчи хавфли жараёнларни мониторинг ва башоратлаш тадбирлари самарадорлигини ошириш чоралари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва муассасаларнинг масъул ходимлари иштирок этди.**

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда сўзга чиққанлар фавқулодда вазиятларда тегишли вазирлик, идора ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзаро тезкор ахборот алмашиш самарадорлигини ошириш ва бошқа долзарб масалалар хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза юритишди.

Савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган семинарда иштирокчилар республика ҳудудида фавқулодда вазиятларни мониторинг ва башоратлаш ҳолатлари юзасидан ўзаро тажриба алмашишди.

**Х. ФУРҚАТОВ.**

# СЕРЖАНТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Вилоят ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан Фарғона политехника институтида 2005–2009 йилларда ИИВ Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсини тамомлаб, ҳозирда вилоят ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ёш ходимлар, шунингдек, айни пайтда мазкур курсларда таҳсил олаётган курсантларнинг ота-оналари билан учрашув бўлиб ўтди.**

Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Т. Худайбергенов маъруза қилиб, сержантлар фаолиятиға баҳо берди ҳамда ички ишлар идоралари раҳбарлари, ота-оналар олдида турган вазифаларга тўхталди. ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари цикл бошлиғи ўринбосари, капитан Шуҳратжон Бердиёров курсантларнинг фанларни ўзлаштириши, уларнинг хизмат интизомига риоя этиши ҳақида гапирди. Вилоят прокурорининг ўринбосари М. Қурбонов, вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник И. Жабборов, «Маҳалла» жамғармаси раиси А. Юлбарсов, «Нуроний» жамғармаси раиси Т. Холдоровлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Сержантлар номидан сўзга чиққан Фурқат тумани ИИБ паспорт столи бошлиғи, сержант Ўткирбек Шерғозиев, Қува тумани ИИБ паспорт бўлинмаси инспектори, кичик сержант Одинахон Қодировалар ушбу учрашув улар учун сабоқ бўлганини, келгусида улар Ватан тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида бор куч-имкониятларини сафарбар этиб, сидқидилдан хизмат қилиб, ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлашга тайёр эканликларини таъкидлашди.

**Бўрибой ОМОНЗОДА, подполковник.**

*Фарғона вилояти.*

## «Ёшлар орасида наркотик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» ойлиги

# ОҒУ ОФАТИДАН АСРАЙЛИК

**Маълумки, республика Ички ишлар вазирлигининг фармойишига асосан мамлакатимизда. «Ёшлар орасида наркотик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» ойлиги давом этмоқда. Ўтказилаётган тадбирларда ички ишлар идоралари, шунингдек жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этишяпти. Қуйида жойлардан олинган хабарлар билан таништиришни давом эттирамиз.**

**ТОШКЕНТ.** ИИВ Тергов Бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Ҳусан Ҳошимов, терговчи, капитан Шоҳруҳ Шарипов, Чилонзор тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан Турғун Ҳайиталиевлар Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабалари билан учрашишди. Подполковник Ҳ. Ҳошимов йиғилганларга гиёҳвандлик ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида гапирди. Айниқса ёшлар, ҳатто аёллар ҳам бу иллатнинг домига тушиб қолаётганини афсус билан таъкидлаб, мисоллар келтирди.

Тадбирда «Гиёҳвандлик – аср вабоси» номли ҳужжатли фильм намойиш этилгач талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Г. АВАЗОВА.**

**ҚАРШИ.** Давлат университетида бўлиб ўтган йиғилиш вилоят маънавият тарғибот маркази, Адлия, Ички ишлар бошқармалари, Қарши шаҳар ИИБ, диний идора ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда вилоят ҳудудида содир этилаётган турли жиноят ва ҳуқуқбузарликларни таҳлил этар экан, улар орасида ёшларнинг ҳам борлиги ўта ачинарли ҳолат эканлигини қайд этишди.

Йиғилиш якунида гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши, олди-сотдиси ва аянчли оқибатлари акс эттирилган видеофильм намойиш этилди. Талабалар фильмда акс эттирилган ҳар бир ҳолат юзасидан фикр, мулоҳазаларини билдириб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

**Ф. АБДУРАҲМОНОВА, сафдор.**

**ГУЛИСТОН** Давлат университетида бўлиб ўтган учрашувни университет проректори Равшан Маҳмудов кириш сўзи билан очди. Вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи, подполковник Э. Бўронов тадбирни ўтказишдан мақсад ва вазифалар хусусида тўхталди. Кейин иштирокчиларга ИИВ Матбуот маркази томонидан тайёрланган «Гиёҳвандлик аср вабоси» видеолавҳа намойиш этилди. Бошқарма ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиқлари, подполковник Бахтиёр Авазов, подполковник Муса Ражабов ҳамда ИҲҲҚ ва ЮТ бўлинмаси бошлиғи, майор Шуҳрат Алимовларнинг кун тартибидаги масалалар юзасидан маърузалари тингланди. Учрашувлар савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

**Н. ЙЎЛДОШЕВ, катта лейтенант.**

## Ватан ўғлонларин унутмас

# БУРЧГА СОДИҚЛИК

**Тонг. Нодирбек сесканиб уйғонди-ю, соатига қаради: «Хизмат бошлангунча ҳали вақт бор. Бугун 2005 йил 13 май, соат 5.30. – Ювиниб, кийиниб, хизматга боргунимча вақт ҳам бўлиб қолади. Ҳамкасбларим, вафодор итим «Гром» кутаётган бўлса керак», деди у ўзига ўзи.**

Бироқ Андижон вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ходими Нодирбек Носиров шу куни охирги бор хизматга кетаётганини билмасди. У ишхонасигача етиб боролмади. Вилоят ҳокимлиги ёнида қуролланган террорчилар қўлига тушиб қолди. Йигитни кўп қийноққа солишди. Аммо у хунрезларнинг бирорта таклифига рози бўлмади. Унинг метин иродасини синдира олмасликларига кўзи етган ватанфурушлар уни ўлдирибгина ўз мағлубиятларини хаспўшлаш мумкинлигини англашарди.

2009 йилнинг 21 август куни Носировлар хонадонига унинг касбдошлари ташриф буюришди. Нодирбек ҳаёт бўлганида шу куни 33 ёшга тўлган бўлар эди.

– Носировлар хонадони Нодирбексиз ҳувиллаб қолгандек, – дейди вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари, капитан Санжарбек Соҳибжонов. – Нодирбекнинг отаси Болтабой ака, акалари, опалари билан биргаликда Қуръон тиловат қилиб, бурчига содиқ йигитни яхши сўзлар билан эсладик.

2005 йилнинг 23 август куни Нодирбек ўғилли бўлди. Афсуски, унга ўғлининг камолини кўриш насиб этмади.

Нодирбек Носиров Избоскан туманидаги Туячи қишлоғида туғилиб ўсди. Ўрта мактабни тамомлагач, политехникумга кириб ўқиди. Қуролли Кучлар сафидаги муваффақиятли хизматдан сўнг 2004 йили Андижон вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бўлими милиционер-кинологи лавозимига ишга олинди.

– Нодирбек билан бир қишлоқда ўсганмиз, – дейди Патруль-пост хизмати бўлинмаси милиционер-ҳайдовчиси Абдулҳафиз Жумаев. – Бир мактабда ўқиганмиз, орамиздан қил ўтмасди. Дўстим самимий, бошқаларга эътиборли, ақлли, тўғрисўз йигит эди. Ёш бўлишига қарамай, кўпчилик ҳамкасблари ундан ўрнак



олишга ҳаракат қилишарди. Ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашар, берилган вазифани ўз вақтида бажарар, интизомга оғишмай риоя қиларди. Нодирбек ихтиёридаги «Гром» лақабли хизмат ити унинг ҳар бир топшириғини тез ва аниқ бажарарди.

Кўп йиллар қишлоқ ўқитувчиси бўлиб ишлаган Болтабой ака ўғлини ўзи каби педагог бўлишини орзу қиларди. Аммо ўғли ички ишлар идораларида хизмат қилишни танлади.

Нодирбек оилада кенжа фарзанд бўлишига қарамай, мактабдан келибоқ, дарсларини бажариб бўлгач, томорқага қараб югурарди – экинларни суғорар, чорвага қарарди. Улғайган пайтида ҳам ўз одатини канда қилмади, хизматдан сўнг уйига қайтгач, жим ўтирмасди. Умр йўлдоши Наргизахонни жуда эъзозлар, фарзандларини жонидан ортиқ суярди.

Яқин кишингнинг энди ҳеч қачон ёнингда бўлмаслиги, эшикни очиб, «мана келдим», дея жилмайиб турмаслигини англаш, нақадар оғир.

Дунёда яхши инсонлар кўп. Улар сиз билан ёнма-ён яшайдилар, хизмат вазифасини виждонан бажарадилар, оилани, Ватанини севадилар. Душман олдида тиз чўкмай, бурчларига содиқ қолиб, керак бўлса жонларини фидо қиладилар. Нодирбек Носиров ана шундай инсонлардан эди.

Милиционер-кинолог, сержант Юсуфжон Ҳамидов шундай дейди: – Нодирбек ишончли дўст эди. У ҳеч қачон айбни бошқалардан қидириб, «сувдан қуруқ чиқиш»га ҳаракат қилмасди, унинг шу фазилатини қадрлар эдилар. Нодирбек охирги нафасига қадар шундай инсон бўлиб қолди.

Нодирбек Носировдан ёдгорлик бўлиб икки нафар ўғли – Шоҳжаҳон ва Ёдгорбеклар қолган. Ҳар икки ўғил ҳам вояга етиб, отаси истаганидек эл-юрт корига ярайдиган муносиб ўғлонлар бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойишига кўра, сафдор Нодирбек Носиров кўрсатган жасорати учун вафотидан сўнг II даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

Энг муҳими, Нодирбекни қишлоқдошлари, ҳамкасблари ҳамиша фахр ва ифтихор билан ёдга олишади.

**Борис КЛЕЙМАН.**

## Қиш – масъулиятли давр

# ГАЗДАН НОТЎҒРИ ФОЙДАЛАНМАНГ!

**Ўлкамизда ҳавонинг совиб кетиши фуқароларнинг иситиш воситаларига бўлган эҳтиёжини ошириб юборди. Натижада айрим хонадонларда газдан хавфсизлик қоидаларига зид равишда фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқишига олиб келаяпти. Йилнинг ўтган даврида республика ҳудудида 1212 дан ортиқ ёнғин содир бўлиб, 21 киши ҳаётдан бевақт кўз юмган.**

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ва газ идоралари ходимлари бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда газ қувурига ўзбошимчалик билан уланган резина шланглар, ясама мосламаларни аниқлаш мақсадида қўшма рейдлар ўтказишмоқда. Шу кунга қадар 26 мингдан ортиқ болалар боғчаси, мактаблар, меҳрибонлик уйлари, олийгоҳлар, даволаш муассасалари, 2 млн. 400 мингга яқин хонадонлар ва кўп қаватли уйлар текширувдан ўтказилди. Текширув жараёнида аниқланган камчиликлар бартараф этилишига эришилди. Албатта, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузаётган фуқароларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Ёнғинларнинг олдини олиш кўп жиҳатдан аҳоли ўртасида ташкил этилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига боғлиқ. Айниқса, хонадонларда ўтказилаётган профилактик тадбирлар ижобий самара бериши шубҳасиз. Шу боис ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари тез-тез хонадонларда бўлиб, суҳбатлар ўтказишаяпти. Ушбу тадбирларда газлаштириш ва электр тармоқлари хизмати ходимлари ҳам иштирок этиб, газ ва электр асбоблардан қандай фойдаланилаётганини назорат қилишмоқда. Аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш билан бирга аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб боришаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда мамлакатимиз ҳудудига хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган газ ва электр асбоблари олиб келинмоқда. Кўплаб фуқароларимиз улардан фойдаланиш қоидаларини яхши билмасликлари оқибатида кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Ю. Ҳамдамов кўчасида яшовчи Ботировлар хонадонида таъмирлаш ишларини олиб бораётган 7 нафар фуқаро Эрон давлатида ишлаб чиқарилган газли иситиш печидан чиққан исдан заҳарланиб, оламдан ўтгани фикримизнинг далилидир. Шу ўринда бундай иситиш мосламаларини мутахассис ёрдамида ўрнатиш ва фойдаланиш қоидаларини билиб олиш лозимлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Газ билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун печларни ёқиқ ҳолатда назоратсиз қолдирмаслик, номаълум газ ва электр мосламаларни фақат мутахассис ёрдамида ўрнатиш, носоз ва қўлбола иситиш воситаларидан фойдаланмаслик, иситиш печлари ва уларнинг мўрконларига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Ҳар биримиз қиш масъулиятли давр эканлигини унутмаслигимиз лозим.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**капитан.**

## Қонунчиликдаги янгиликлар

# ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ МУДДАТЛАРИ УЗАЙТИРИЛДИ

**Мамлакатимизда ислоҳотларнинг изчил кечаётганлиги, ҳар бир ўзгариш аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалга оширилаётганлиги Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини тўғри танлаганлигидан яна бир бор далолат беради.**

Ислоҳотлар жараёнида муҳим ҳисобланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликлар юртимиз тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган муҳим омил ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Натижада ҳозирга қадар янги мазмун-моҳият билан бойитилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича барча қонунлар жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялашда самарали ҳуқуқий механизми яратилди. Шу йўсинда инсон ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинмоқда.

Бундай жараёнда ҳар қандай қонун, шу жумладан, Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг асл моҳияти, мазмуни негизида ҳам инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ётади. Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш тўғрисида сўз борганда жамиятда жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ давлат сиёсатини амалга ошириш масъулияти юклатилган суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини такомиллаштиришга, айниқса, улар фаолиятига тааллуқли қонунчилик асосларини янада демократлаштиришга алоҳида эътибор берилаётганига барчамиз гувоҳмиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 20 августда қабул қилинган, Олий Мажлис Сенатининг 2009 йил 4 декабрдаги йигирманчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Қонуни ҳам жамият ва давлат ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган қонунлардан биридир. Ушбу қонун 2009 йил 21 декабрда матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Мазкур Қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад айнан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги суриштирув ва тергов органлари томонидан судга қадар иш юритиш босқичида муҳим институт ҳисобланган жиноят иши қўзғатилгунга қадар жиноятлар тўғрисида аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни ҳал этиш билан боғлиқ Жиноят-процессуал кодексидаги муддатларга аниқлик киритишдан иборат масалани ҳал этишдир.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги сабаб ва асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт экани белгилаб берилган. Шунингдек, ЖПКнинг 322-328-моддаларида жиноят ишини қўзғатишга оид нормалар акс эттирилган.




Шу ўринда жиноят иши қандай асосларга кўра қўзғатилади, унга нималар сабаб бўлади деган савол туғилади? Мазкур саволларга ЖПКнинг 322-моддасида санаб ўтилган иш қўзғатиш сабаб ва асосларини келтирган ҳолда жавоб топиш мумкин. Ушбу норма талабига кўра:

шахснинг аризалари;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;

оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;

жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва ишларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши;

айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлади. Умумий қилиб айтганда, жиноят белгилари ёки аломатлари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади.

Шуниси алоҳида эътиборга моликки, жиноятга оид ҳар қандай ариза, хабар ёки бошқа маълумотлар Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасида кўрсатилган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади. Бунинг учун мазкур нормадаги муддатларга қатъий риоя қилишга тўғри келади.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилингунга қадар ЖПКнинг 329-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уч суткадан кечиктирмасдан, агар жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши белгиланган эди.

Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти билан боғлиқ амалиётда тўпланган тажриба ЖПКнинг 329-моддасини янги мазмун билан тўлдириб баён этишни тақозо этди. Республика Бош прокуратураси томонидан мазкур масала юзасидан амалга оширилган таҳлиллар натижасида 2008 йил давомида прокуратура ва ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилган 115 мингта жиноятга оид аризалар, хабарлар ёки бошқа маълумотлардан 5,4 мингтаси (4,8 фоизи) қонун билан белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда ҳал қилингани аниқланган. Терговолди текширувида муддатларнинг бузилишига кўп ҳажмли, масалан, ҳодиса жойини кўздан кечириш, узоқ ҳудудларда яшайдиган шахслардан тушунтириш олиш, комплекс ва комиссион экспертизалар, ҳужжатли тафтиш ўтказиш ҳолатлари сабаб бўлаётганлиги аниқланган.

Терговолди текширув муддатининг бузилишидаги муҳим сабаблардан яна бири кўп муддат талаб қиладиган экспертизалар бўлиб, аксарият ҳолларда, яъни 4,3 мингта ёки 80 фоиз материаллар юзасидан бир ойлик муддатни талаб қиладиган суд экспертизалари (гистология, биохимия текширувлари) ўтказишга тўғри келган.

ЖПКнинг 329-моддасини янги таҳрирда қабул қилиш билан жиноятга оид аризалар, хабарларни ёки маълумотларни кўриб чиқишнинг уч кунлик муддатидан воз кечилди, бундан буён жиноятга оид ариза, хабар ёки бошқа маълумотлар дарҳол, ўн кунлик муддатда кўриб чиқилади ёки алоҳида ҳолларда бу муддат прокурор томонидан бир ойгача узайтирилади, деб белгиланди.

Қонун билан янги таҳрирда баён этилган ЖПКнинг 329-моддаси янги учинчи қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, суриштирув ёки тергов амалиётида алоҳида ҳолларда, яъни терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса, суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Бундай тажриба, яъни алоҳида ҳолларда жиноятга оид хабарларни кўриб чиқиш муддати прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкинлиги қатор давлатларнинг, жумладан, Россия Федерацияси, Белорусь Республикасининг ЖПКда кузатилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мазкур Қонуннинг қабул қилинганлиги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишдаги яна бир муҳим масаланинг ечимини топишга кўмаклашади. Шунинг баробарида жиноятга оид ариза ёки хабарларни ҳал этишда терговолди босқичида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Шунингдек, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органларидаги мансабдор шахслар томонидан жиноят процессида қонунийлик принципига қатъий риоя этилишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

**Нодир МУХТОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими, юридик фанлар номзоди.**

**Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ Йўл-патруль хизмати бригадаси ЙПХ инспектори, сержант Музаффар Бурҳонов мана ўн йилдирки, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш борасида фидойилик кўрсатиб хизмат қилиб келаяпти. У аёзли қиш кунларида ҳам пойтахт кўчаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.**



**Суратда:** *сержант М. Бурҳонов хизмат пайтида.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

## Ислоҳотлар амалда

# ҲУҚУҚЛАР ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИ

**Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам узоқни кўзлаб, пухта ўйланган чуқур ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ҳуқуқий институтлардан бўлган нотариат хизматини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ислоҳотларни амалга ошириш чоғида Юртбошимизнинг мустақиллик бу авваламбор ҳуқуқдир, деган кўрсатмалари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.**

Бевосита нотариат соҳасига тўхталадиган бўлсак, даставвал ушбу институтнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1996 йил 26 декабрда имзоланган Нотариат тўғрисидаги Қонуни нотариуснинг янгича шароитдаги ҳуқуқий мақомини, ваколатларини, мажбуриятларини, фаолият йўналишларини ва бошқа жиҳатларни белгилаб берди. Кейинчалик замон талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ушбу қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати томонидан тасдиқланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қўлланмалар нотариал идораларнинг фаолиятларини белгилаб берувчи қонун ости ҳужжатлари сирасига киради. Шу ўринда Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан нашр этилган «Нотариал ҳаракатлар намуналари» тўплами вилоятдаги Давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг иш фаолиятида жуда қўл келаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, ушбу жараёнда инсон ҳуқуқлари устувор аҳамият касб этади. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуни 1-моддасида таъкидланганидек: «Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир». Бозор иқтисоди шароитида Давлат нотариал идораларининг ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фаолият доираси ниҳоятда кенгайди.

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани мисолида оладиган бўлсак, идорамизга фуқаролар турли масалаларда мурожаат этишади. Айниқса, олди-сотди шартномасини расмийлаштиришни сўраб мурожаат этувчилар кўп. Автомототранспортнинг, уй-жойнинг олди-сотди шартномаси шулар жумласидандир. Автомототранспорт воситасини ижарага бериш, қарз шартномасини, уй-жойларни айрибошлаш, бино ва иншоотларни ижарага бериш шартномалари ҳам тузилиб турилади. Қариндош-уруғлар ўзаро автомототранспортни, хонадонни ҳадя қилиш бўйича шартномалар тузишади.

Шу ўринда аҳоли орасида никоҳ шартномасини, закалат тўғрисида келишувни расмийлаштириш жуда секин урфга кираётганини таассуф билан қайд этиш керак. Бу гапга баъзилар киши ишонган одамига қарз беради-да, ёшлар эрта бир кун ажрашамиз деган ниятда оила қуришмайди-ку, закалат олувчида ҳам, берувчида ҳам лафз бўлиши керак-ку деб эътироз билдириши мумкин. Бир қарашда уларнинг ҳам эътирозлари ўринлидай туюлади. Лекин буни ҳаёт дейдилар. Ҳаётда эса ҳар нарса бўлиши мумкин. Ахир, қарзни қўли билан бериб, қайтариб олиш учун оёғи билан югураётганлар, пулига куйиб қолаётганлар ҳам бор-ку. Шунинг учун қарз олувчининг ўзи инсофли бўлса, қарз шартномасини расмийлаштиришга ундаш ундан лозимдир.

Закалат масаласида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Уй-жой ёки машинасини сотишга рози бўлиб, закалат олган мулк эгаси мабодо қароридан қайтса ёки мулкини бошқа бировга сотадиган бўлса, закалатни биринчи харидорга икки баробар қилиб қайтариши керак. Ваҳоланки, бунинг ўрнига закалатни умуман қайтармайдиган, мен сендан бир тийин ҳам олмаганман дейдиган лафзсиз, номард кимсалар ҳам учраб туради.

Ёки никоҳ шартномаси масаласини олайлик. Икки ёш яхши ниятлар билан бир ёстиққа бош қўяди. Орадан ойлар, йиллар ўтиб, ўзаро феъллари тўғри келмай, ўртада фарзанд бўлмай, қайнона-келин машмашалари туфайли, бошқа сабабларга кўра ажрашиши мумкин. Агар турмуш қуришаётганида никоҳ шартномаси тузишган бўлса, мол-мулк масалаларида ҳеч қандай муаммо туғилмайди. Акс ҳолда турли келишмовчиликлар юзага келиши учраб туради.

Кези келганда, мерос масаласига ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу фоний дунёда ҳаммамиз меҳмонмиз. Афсуски, ота-она оламдан ўтгач мерос талашиб қирпичоқ бўлаётган, юзкўрмас бўлиб кетаётган фарзандлар ҳам бор. Шунинг учун ота-она кўзи очиқлигида мерос масаласини ҳал қилиб қўйса, лозим топса васиятнома расмийлаштирса, бундай кўнгилсизликларнинг олдини олган бўлади.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимини ошириш ҳуқуқшунослар зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир. Биз, нотариуслар ҳам белгиланган режалар асосида маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида бўлиб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тушунтирамиз, ҳуқуқий билимларни тарғиб қиламиз. Айрим одамлар турли моддий, маиший, иқтисодий масалаларни юридик жиҳатдан расмийлаштирмасдан ҳал этишга уриниб, кейин афсус чекиб қолаётганларига мисоллар келтирамиз.

**Назокат ИКРОМОВА,**
**Тошкент вилояти Зангиота тумани 2-давлат нотариал идораси нотариуси.**

## Профилактика хизмати

# МУНОСИБЛАРГА – «МАТИЗ» АВТОМАШИНАСИ

**Профилактика инспектори ўзи хизмат қилаётган ҳудудда жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга масъулдир. Замон талаблари даражасида жиҳозланган милиция таянч пунктида у билан ёнма-ён маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар кенгаши раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори ҳам хизмат қилаяпти.**

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 190 та милиция таянч пункти бўлиб, аксарияти қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бир бинода жойлашган. Бундай қулайлик профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб боришида қўл келмоқда. Мазкур масканларда соҳа ходимлари самарали хизмат қилиши учун барча шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий алоқа воситалари, компьютерлар улар ихтиёрида. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида милиция таянч пунктлари қошида турли тўгараклар ташкил этилган. Шунингдек, спорт майдончалари фаолият кўрсатаяпти.

Яқинда Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бўлиб ўтган йиғилишда профилактика хизматининг 2009 йил натижалари сарҳисоб қилинди. Унда вилоят ҳокими Оллаберган Оллаберганов иштирок этиб, профилактика инспекторлари фаолиятига юксак баҳо берди, шу билан бирга қилиниши лозим бўлган ишларга тўхтатилиб ўтди.

Ўз навбатида вилоят ҳокими «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритган Хива тумани Гулирайҳон маҳалласидаги 71-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, капитан Улуғбек Тангрибергановга «Матиз» русумли автомашина калитини тантанали равишда топширди.

– Ҳар йили ўтказилаётган ушбу тадбир профилактика инспекторлари учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда, – дейди Хива тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан Улуғбек Тангриберганов. –Шунингдек, соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этаяпти.

Йиғилиш иштирокчилари шу куни яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлишди. Вилоят ҳокими маҳаллада тинчлик, осойишталикни таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишдаги ибратли хизмати учун Қўшкўпир туманидаги Ўртаёп қишлоғида жойлашган 94-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Мансур Бобожоновга «Матиз» русумли автомашина совға қилди.

Шунингдек, «Энг намунали маҳалла посбони жамоат тузилмаси сардори» номинацияси бўйича Хива туманидаги Саёт қишлоғи «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори Матназар Сотлиқов, «Энг намунали маҳалла фуқаролар йиғини раиси» номинацияси бўйича Шовот тумани Хитой маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳусинбой Отажонов, «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" номинацияси бўйича Янгиариқ туманидаги «Жалоил» маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Бикажон Собирова, "Энг фаол хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси" номинацияси бўйича Урганч шаҳридаги Навбаҳор маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Тўхтажон Ибодуллаевалар ғолиб деб топилиб, вилоят ИИБ томонидан тақдирландилар.

Вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Шавкат Икрамов сўзга чиқиб, профилактика инспекторлари томонидан элу юрт осойишталигини таъминлаш борасида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди ва ғолибларни қизғин табриклади. Шундан сўнг таниқли санъаткорлар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

**Мирзабой АБДУЛЛАЕВ,**
**майор.**
**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

*Хоразм вилояти.*

## Юксак мукофот соҳиблари

***Инсон зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этсагина Ватани, халқига садоқат билан хизмат қилади. Вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди 2-гуруҳ командирининг ўринбосари, сержант Таваккалжон Сотқиновнинг ўз касбига содиқлиги бунга яққол мисол бўла олади.***

# МАРДЛИККА УНДАГАН БУРЧ



Ҳарбий хизматни чегара қўшинларида адо этган Таваккалжон 2002 йили вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони милиционери лавозимида иш бошлади. 2007 йилдан буён эса алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядида хизмат қилмоқда. Ўтган давр мобайнида у ўзининг жанговар ва жисмонан тайёргарлиги пухта эканлигини ўтказилган бир неча жанговар тадбирларда исботлади.

Олинган тезкор маълумотларга кўра, Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Новқат туманида яшовчи, жиноят оламида «Ика» лақабли Икром Тўйчиев ўз жиноий режаларини амалга ошириш учун айланма йўллар орқали Пахтаобод туманига ўтиб, таниши Ғолиб Усмоновникига яширинади. Ашаддий жиноятчини қўлга олиш мақсадида вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди ходимлари Пахтаобод туманига юборилди. Улар таркибида 2-гуруҳ командирининг ўринбосари, сержант Таваккалжон Сотқинов ҳам бор эди. Ушбу гуруҳ ходимларининг ўз хизмат вазифасини моҳирона бажарганликлари ҳамда аниқ ва пухта ҳаракатлари натижасида жиноятчи қисқа фурсатларда қўлга олинди. Унинг ёнидан қиркма милтиқ ҳамда портловчи модда далилий ашё сифатида олинди.

– Жиноятчи яширинган уйга кириб уни қўлга олишда сержант Таваккалжон Сотқинов қаҳрамонлик кўрсатди, – дейди вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди командири, майор Рустамжон Матхолиқов. – Шунингдек, у 2009 йилнинг 19 декабрь куни Андижон тумани ҳудудида ўтказилган тадбирда Оқёр қишлоғида яшовчи Кимсанбой Хўжаевни гиёҳвандлик моддалар савдоси билан шуғулланаётгани ҳақидаги маълумот асосида унинг яшаш хонадонида ўтказилган ҳаракатда фаоллик кўрсатди. Шу куни ушбу хонадоннинг том қисмига яширилган 5 кг.626 грамм марихуана, 187 туп кўкнори ҳамда 10,5 грамм гашиш моддалари далилий ашё сифатида олинди.

– Очиғи, отрядимизга турли тайёргарликлардан ўтган йигитлар қабул қилинади, – дейди отряд командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Мансурбек Валиев. – Лекин Таваккалжон Сотқиновдаги жанговар ва ахлоқан тайёргарлик бошқачароқ. У ҳамкасбларига барча соҳада ўрнак кўрсатиб келмоқда.

Таваккалжон Улуғнор туманида туғилиб вояга етди. Отаси Расулжон ака автохўжаликларнинг бирида ҳайдовчилик қилади. Онаси Фаридахон опа эса тўрт нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Оилада тўнғич фарзанд бўлган Таваккалжон ёшлигидан ички ишлар ходими бўлишни орзу қиларди.

– Тоғам Ваҳобжон ака ички ишлар ходими эди, – хотирлайди сержант Таваккалжон Сотқинов. – Ҳар гал у киши уйимизга келганида укам иккимиз бош кийимини кийиб олардик. Орзуга айб йўқ деганларидек, мана мен ички ишлар ходими бўлдим. Укам Азизбек ҳам шу кунларда ИИВ Академиясига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўрмоқда.

Ватан равнақи, эл-юрт осойишталиги йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар албатта тақдирланади. Жиноятчиликка қарши курашда кўрсатган жасоратлари инобатга олиниб, сержант Таваккалжон Сотқинов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Содиқ хизматлари учун» медалига сазовор бўлди. Ана шундай ботир йигитларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Азизхон БУЗРУКОВ.**

*Андижон вилояти.*

**Суратда:** *(чапда) Т. Сотқинов ҳамкасблари билан.*

## Кинология хизмати

# СЕЗГИР ЖОНИВОРЛАР КЎМАГИДА



2009 йил 28 октябрь куни «Самарқанд – Навоий» йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган «Мерседес – Бенц» русумли автомашина Кармана тумани «Самарқанд» ЙПХ масканида тўхтатилди. Ҳайдовчининг ҳужжатлари жойида эди. Аммо машинада йўловчи сифатида келаётган Самарқанд туманининг Хўжа-соат қишлоғида яшовчи Р.Н. нинг бежо ҳаракатлари зийрак ходимларда шубҳа уйғотди. Кинолог, сафдор Д. Гулов ўзига бириктирилган «Шоҳ» лақабли хизмат ити билан транспорт воситаси салони ва йўловчиларнинг буюмларини кўздан кечиришга киришди. Шу пайт йўловчи машинадан тушиб қоча бошлади. Аммо узоққа кетолмади. «Шоҳ»нинг кўмаги билан гиёҳфуруш атрофдаги ўт-ўланлар орасига ирғитишга улгурган 1 килограммга яқин опий топиб олинди ва холислар иштирокида ҳужжатлаштирилиб, тегишли хизматларга топширилди.

– Ҳукуматимизнинг кинология хизматини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори ҳамда ИИВнинг бу борадаги фармойиши ва дастурларини бажариб, хизмат итлари маҳоратини янада такомиллаштиришга ҳаракат қилаяпмиз, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати бошлиғи, майор И.Юнусов. – Натижада юқоридагига ўхшаш жиноятлар «иссиқ изида» очилишига муваффақ бўлиняпти.

Бугунги кунда вилоят ИИБ патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарини қўриқлаш, конвой хизмати, шаҳар-туман ИИБ навбатчилик қисмлари ва бошқа соҳавий хизматларда 90дан ортиқ зотдор итлар самарали хизмат қилмоқда.

Хизмат итларининг яшаши ва улар билан машғулотлар ўтказиш учун барча имкониятлар мавжуд. Ҳар томонлама қулай жойда жойлашган «Хизмат итлари питомниги», 60 ўринга мўлжалланган вольер, кучукчаларни сақлаш хонаси ва бошқа мажмуалар фаолият кўрсатмоқда. Махсус тренажёрлар ўрнатилиб, хизмат итларини ўқитиш-ўргатиш билан шуғулланувчи ходимларга қатор қулайликлар яратиб берилган. Улар бошқарма раҳбарияти томонидан автотранспорт, замонавий алоқа воситалари билан таъминланган.

Ҳозирда тўрт оёқли кўмакчилар ёрдамида гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний сақлаш, ташиш, ўқ отар қурол билан боғлиқ жиноятлар қисқа муддатда очилишига эришилаяпти.

2009 йилнинг 4 ноябрь куни Қизилтепа тумани «Анор» ЙПХ масканида хизмат олиб бораётган ходимлар «Навоий–Бухоро» йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган «Нексия» русумли автомашинани тўхтатиб, ҳайдовчининг ҳужжатларини кўздан кечиришаётганда кинолог М. Шароповнинг «Карат» лақабли хизмат ити ҳура бошлайди. Жониворнинг безовталангани бежиз эмас экан. Беминнат дастёр кўмагида ҳайдовчи А. Р. ноқонуний равишда 67,5 грамм опийни олиб кетаётгани аниқланди.

Мухтасар қилиб айтганда, жиноятларнинг олдини олиш, қурол-яроғ, айниқса, аср вабоси деб аталмиш гиёҳвандлик моддаларини яширин йўллар билан ўтказиб, даромад қилишга интилаётган қонунбузарларнинг ғараз мақсадини пучга чиқаришда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати ходимларининг ўрни беқиёс бўлмоқда.

**А. ЗИЁДИНОВ.**

*Навоий вилояти.*

**Суратда:** *кинолог, сафдор Д.Гулов «Шоҳ» лақабли хизмат ити билан машғулот пайтида.*

## Йўл, ҳайдовчи, пиёда

# МУЛЗАМ БЎЛГАН ҲАЙДОВЧИ

***Турмуш ўртоғини бозорга кузатаётган Шоҳистахон алоҳида тайинлади:***

***– Дастурхон қай даражада безатилиши ўзингизга боғлиқ. Мева-чеваларни шошмасдан, танлаб харид қилинг.***

***Менглибой маъқул маъносида бош ирғади-да, ўғли билан қизини олиб, машинани юргизди. Қишлоқнинг ички тупроқ йўлидан ўтиб, асфальт йўлга чиқишганда таниши Саттор қўл кўтарди. Менглибой машинани тўхтатди. Саттор машинага ўтирар экан:***

– Худойберди олти қиздан кейин ўғил кўрибди. Сени учратганим яхши бўлди, бирга бориб табриклайлик, – деди. Бу гап Менглибойга маъқул бўлди.

Меҳмонларни кўрган Худойберди қувониб кетди. Боз устига, бу ерда чақалоқ шарафига уюштирилган базм анчадан бери давом этаётган эди. Бундай зиёфат ичкиликсиз бўлмаслиги табиий, албатта. Менглибой аввалига узатилган қадаҳларни рад этди. Кейин эса улфатларининг киноя аралаш гапларини ҳазм қилолмай кетма-кет ича бошлади.

– Сен ҳеч нарсадан ташвиш тортма, йўл-патруль хизмати инспекторлари билан ўзим гаплашаман, – деди Саттор меҳрибонлик кўрсатиб.

Беруний тумани ИИБ ЙҲХБ катта инспектори, катта сержант Махсуд Дарменқуловнинг диққатини нотекис ҳаракатланиб келаётган «Жигули» машинаси тортди ва дарҳол тўхташ ишорасини қилди. Шунда оғзидан гупиллаб спиртли ичимлик ҳиди келиб турган ҳайдовчи тиббий кўрикдан ўтказилиб, машина жарима майдончасига олиб бориб қўйилди. Маст ҳолда машинани бошқаргани учун мавжуд тартиб-қоидага мувофиқ Менглибой жаримага тортилди.

– Фарзандларингизнинг ризқини қиймай, шу пулларни рўзғорга ишлатсангиз бўларди-ку, – деди ЙПХ инспектори Менглибойга.

– Яхшиям вақтида тўхтатиб қолдингиз, акс ҳолда фалокат ҳам бўлиши мумкин эди, – ғўлдиради Саттор.

Болалар дарвозадан киришлари билан ўзларини оналари қучоғига отиб, йиғлаб юборишди. Мулзам бўлган ота бошини кўтара олмай, виждон азобида қийналарди.

Шунингдек, маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган Қ. Мухтор, Д. Бахтиёр, У. Алишер ва И. Ўктамлар ҳам ана шундай ҳолатга тушишган бўлса ажаб эмас. Кенг қамровли профилактик тадбирларда корхона, ташкилот, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳалла, овул раҳбарлари билан узвий ҳамкорлик қилинаётгани кутилган самарани бермоқда.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**

*Қорақалпоғистон Республикаси.*

## «Постда» ва «На посту» газеталарининг ташкил топган куни олдидан

# МАТБУОТ – ҲАЁТ КЎЗГУСИ

**Ички ишлар вазирлигининг «Постда» ва «На посту» газеталари 1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган. Газеталар дастлаб фақат ички ишлар идоралари учун мўлжалланган бўлиб, унда республика ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятига оид материаллар бериб борилган. Ўша даврда бир ойда уч марта, 150 нусхада чоп этилган бўлса, 50-йилларга келиб газеталар адади 6 минг нусхага етган. Таҳририят ходимларининг саъй-ҳаракати билан 1960 йилдан эътиборан ҳафтасига икки марта 10 минг нусхада чоп этила бошлаган.**

1965 йил 1 августдан нашрларнинг кенг жамоатчиликка мўлжалланган якшанба сонларини чоп этиш йўлга қўйилди. Газеталар тез оммалашди. Муштарийларнинг истак-хоҳишидан келиб чиққан ҳолда, 1970 йилдан газеталар ҳафтада уч марта босила бошланди. Аммо 1970 йил февралида кўплаб идоравий нашрлар қатори чинакам оммавий нашрга айланган «Постда» ва «На посту» газеталари ҳам ёпилди. Якшанба кунлари чиқадиган газеталарнинг охирги сони ўша йилнинг 22 февралида муштарийлар қўлига етиб борган бўлса, асосий нашрнинг сўнгги сони 27 февраль куни чоп этилди. 1970 йил 1 мартдан бошлаб таҳририят фаолияти тўхтатилди.

Газеталар ташкил этилганидан то ёпилгунга қадар жуда кўплаб журналистлар таҳририятда қалам тебратди. Нашрларнинг ички ишлар идоралари ходимлари орасида обрў-эътибор қозониши, кенг оммага манзур бўлишида таҳририятга ўз даврида раҳбарлик қилган Алексей Карасик, Собир Салаев, Лазиз Айтуганов каби устозлар, улар билан бирга ишлаган ва кейинчалик шаклланиб, шонли анъаналарни давом эттирган Марк Кержнер, Ҳамидулла Абдуллаев, Михаил Гребенюк, Тоҳир Сайфиддинов, Ўсар Эшонкулов, Тешабой Толипов, Шомурод Сиддиқов, Революция Ҳасанова, Петр Шатрашанов, Расул Ҳошимов, Раъно Аҳророва, Нафиса Абдуллаева, шунингдек, С. Зияев, А. Степанов, П. Петроченко, Т. Цой, В. Латутин каби фидойи ходимларнинг хизмати беқиёс бўлган.

XX асрнинг 80-йиллари охири, 90-йилларнинг бошида юртимиз истиқлол сари илк қадамларини қўйди. Ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш йўлидаги дастлабки ҳаракатлар ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ташаббуси билан 1990 йилда «Постда» ва «На посту» газеталарини қайта тиклашга қарор қилинди. 1991 йил 1 январда икки тилда алоҳида чоп этилган нашрларнинг илк сони ички ишлар ходимлари ва кенг жамоатчиликка етиб борди.

Дастлаб тўрт саҳифадан иборат бўлган газеталарни ҳафтада уч марта чиқариш йўлга қўйилди. Таҳририят моддий базаси мустаҳкамлангач, саҳифалар сони саккизтага етказилди, кейинчалик эса 16 саҳифада чоп этила бошланди. Нашрларни қайта тиклашда Зокир Атаев, Ғайрат Болтабоев, Константин Тимохин, Сиддиқхўжа Сулаймонхўжаев, Ҳабибулла Шодиев каби ижодкорларнинг хизмати катта бўлди.

1998 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг тегишли буйруғига биноан «Постда» ва «На посту» газеталари таҳририяти базасида республика ИИВ Бирлашган таҳририяти ташкил этилди.



Ўша йил сентябрь ойида «Қалқон» ва «Щит» журналлари ҳам чоп этила бошланди.

Ижодий жараён кўлами ошганлиги инобатга олиниб 2002 йилнинг иккинчи ярмидан журналларнинг муқоваси бевосита Бирлашган таҳририят компьютер марказида тайёрланиб, босмахонага топшириш йўлга қўйилди. Газеталарнинг ташқи саҳифалари, журналлар эса тўла ҳажмда рангли чоп этилишига эришилди.

Газета ва журналларда ёритилаётган материалларнинг савияси яхшиланди, мавзулари кенгайтирилди, мақолалар ҳар бир нашр учун алоҳида, бир-бирини такрорламайдиган тарзда тайёрланишига эътибор кучайтирилди, дизайни замон талаби даражасига келтирилди. «Постда» ва «На посту» газеталарида «Сулола», «Династия», «Ибрат», «Соҳа фидойилари», «Қонун – ҳуқуқ кафолати» каби саҳифалар ташкил этилди.

«Қалқон» ва «Щит» журналларида асосий эътибор ички ишлар ходимларининг машаққатли хизмати, хорижлик ҳамкасбларнинг илғор иш тажрибаси, суд очерклари, бадиий ижодга иқтидори бўлган ички ишлар ходимларининг асарларини чоп этиб боришга қаратилди.

Бирлашган таҳририят замонавий бинога кўчиб ўтгач, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларга етарли шарт-шароитлар яратиб бериш учун бор имкониятлар ишга солинди. Барча хоналар замонавий мебеллар, компьютер жамланмалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди. Умумий алоқали марказлаштирилган компьютер тармоғи йўлга қўйилди.

2010 йилга келиб «Постда» ва «На посту» газеталарининг умумий адади 62 минг нусхадан ошган бўлса, «Қалқон» ва «Щит» журналлариники қарийб 15 мингтага етди.

Шу ўринда ИИВ Бирлашган таҳририяти ижодий ходимларининг фаолияти мамлакатимиз миқёсида алоҳида эътироф этилаётганини айтиб ўтиш ўринлидир. Республика Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган «Энг яхши ҳуқуқий мақола» кўрик-танловида таҳририятнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири Дурдибой Худойшукуров Фахрий ёрлиқ ва рағбатлантирувчи мукофотни қўлга киритди. Таҳририят мухбири, майор Муҳаббат Ибрагимова Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Матбуот маликаси – 2008» танловида совриндор бўлди. Ҳуқуқий тарғибот борасида фаоллик кўрсатган бўлим мудири Бобомурод Тошев республика Адлия вазирлиги томонидан тақдирланди. Таҳририят фотомухбири Абу Кенжаев Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Олтин қалам» халқаро танловида «Энг яхши фоторепортаж» номинацияси бўйича ғолиб деб топилиб, қимматбаҳо мукофот ва махсус диплом билан тақдирланди. Таҳририят бўлим мудири Елена Кузнецова «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» кўрик-танловида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, таҳририятимиз экология мавзусини ёритишда фаоллик кўрсатгани учун «Экосан» халқаро ташкилотининг махсус совғасига сазовор бўлди.

2010 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари – «Постда» ва «На посту» газеталари ташкил топган кунга 80 йил тўлади. Таҳририят ходимлари, ижодий жамоа ва нашрлар ранг-баранг чиқишига ўз ҳиссасини қўшаётган қаламкашлар ушбу қутлуғ санани муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун ижодий изланишлар олиб бормоқдалар.

**Маърифат дарси**

# ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ

***Шу кунларга келиб экология бутун дунёда долзарб муаммога айланиб, жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказидан ўрин олганини эътироф этиш лозим, албатта. Тез-тез экологиянинг бузилиши, экологиянинг таъсири деган сўзларни эшитиб қоламиз. Кейинги пайтларда экологик муносабатларнинг глобаллашиб бораётганидан ҳаммамиз хабардормиз. Шу ўринда бунинг сабаб ва оқибатлари ҳақида бироз фикр юритишни лозим топдик.***

Аввало экология сўзига қисқача тариф берсак. Экология тирик организмлар билан атроф табиий муҳит ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фан ҳисобланади. Маълумки, тирик организмлар деганда одамлар, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси тушунилади. Ер ости, ер усти бойликлари, сув ва сув ресурслари, атмосфера ҳавосини эса бир сўз билан табиий атроф муҳит деб атаймиз.

Инсон табиатга ўз таъсирини кўрсатишни ибтидоий жамоа тузумидан бошлаган. Ҳозирги замонавий технологиялар ривожланиб, коинотни забт этиш давригача бўлган оралиқда одамларнинг экологияга таъсирини айтиб адо қилиб бўлмайди. Одамларнинг табиатдаги мавжуд ер усти, ер ости бойликлари, тоза ичимлик сувларидан аёвсизларча фойдаланиши, қирғинбарот урушлар таъсири ҳозирги кунгача ўз таъсирини кўрсатмоқда десак муболаға бўлмас. Масалан, биргина Орол денгизини мисол қилиб келтириш ўринли. Тоталитар тузум даврида денгизга борадиган сувларни бесамар ишлар учун исроф этилиши уни ҳалокатга олиб келди. Айни кунга келиб денгизнинг қуриган қисмларида инсон организми учун зарарли бўлган туз билан қопланган саҳро пайдо бўлди.

XX асрга келиб жаҳон мамлакатларида саноат корхоналарининг сони мисли кўрилмаган тарзда кўпайди. Завод ва фабрикалар ҳар куни миллионлаб тонна тутун, ис, чанг, ғубор чиқариши натижасида атмосферанинг азон қатлами емирилиб боряпти. Маълумки, азон қатлами қуёшнинг зарарли нурларини фильтрлаб туради. Зарарли нурларнинг тўғридан-тўғри ерга келиб тушиши атроф муҳитга, биринчи галда инсон организмига оғир салбий таъсир кўрсатади. Табиатга инсон томонидан хўжасизларча муносабатда бўлишнинг оқибатини ер юзининг турли жойларида гоҳ сув тошқини, гоҳ ёнғин, гоҳ қурғоқчилик бўлиши, совуқ иқлимли ҳудудларда куннинг исиб кетиши ёки иссиқ ўлкаларда тўсатдан ҳаво совуб кетишида ҳам намоён бўлмоқда. Буни эса биз бир сўз билан экологиянинг бузилиши деб ўзимизга таскин бермоқчи бўламиз. Ваҳоланки, экологиянинг бузилиши инсоният учун катта ҳалокатдир. Чунки биринчи галда инсон организмига таъсир қилади. Турли касалликларнинг келиб чиқиши, чақалоқларнинг майиб-мажруҳ туғилиши ҳам экологиянинг бузилиши оқибати эканлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимиздаги мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, келгуси авлод учун соф табиий муҳитни асраб авайлаш борасида муҳим йўналишлар белгиланди. Мамлакатимиз аҳолисини жисмонан соғлом бўлиши йўлида зарур қонун ва қарорлар қабул қилинди.

Экологик муаммоларни бартараф этиш ва салбий оқибатларнинг олдини олиш учун муайян ишлар қилиняпти. Бу борада мамлакатимизда бой тажриба ҳам тўплангани эътироф этмай бўлмайди. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг тузилиши эса даврнинг долзарб талабига амалий жавоб бўлди, албатта.

Экологик муаммоларнинг глобаллашиб, бир неча мамлакатларни қамраб олаётгани, охир оқибат бутун жаҳонга таҳдид солаётгани дунё ҳамжамияти олдига кечиктириб бўлмайдиган, бажарилиши лозим бўлган вазифаларни қўймоқда. Шулардан бири тоза ичимлик суви муаммоси. Маълумки, ер юзидаги, мавжуд сувларнинг икки ярим фоизигина ичишга яроқли ҳисобланади. Айрим ривожланаётган мамлакатларда хусусан, Осиё, Африканинг қатор давлатларида ичимлик суви етишмаслиги оқибатида инсонлар, айниқса ёш болаларнинг бевақт вафот этиши рўй бераётгани ҳақида хориж матбуотида бот-бот хабарлар берилмоқда. Бу мамлакатларда касалланишнинг учдан икки қисми ифлосланган сувни истеъмол қилиш оқибати эканлиги ҳам қайд этиляпти. Денгиз, дарё ва кўлларга саноат корхоналарининг чиқиндилари тозаланмай, зарарсизлантирилмай тўғридан тўғри оқизилаётгани, хонадон чиқиндиларининг ариқларга ташланаётгани нафақат зилол сувларни ифлослантиряпти, балки сувда яшаётган жониворлар, асосан балиқларни ҳам заҳарлаяпти. Балиқларнинг танасига сингган заҳарли моддалар сақланиб қолиб, балиқни пишириб еган одамларга ҳам таъсир этаётганини олимлар аллақачон исботлаб беришган. Японияниниг Минамата шаҳри аҳолиси орасида фанга номаълум бўлган касалликнинг тарқалиши ва кишилардаги эслаш, эшитиш, ҳид билиш қобилиятларининг йўқолиб, бевақт вафот этганига улар истеъмол қилган балиқ танасида симоб чиқиндиси борлиги сабаб



бўлгани, симоб эса шаҳардаги завод оқовасида дарёга тушиб, балиқларга ўтгани аниқланган.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Ер юзида ҳар йили 20-25 миллион киши ифлосланган сувни ичиш оқибатида вафот этаётганини эслатиб ўтиш кифоя деб ўйлаймиз. Мамлакатимизда ичимлик суви аҳолининг эҳтиёжини қондираётгани бизнинг улкан ютуғимиз. Аммо бу билан ичимлик суви етарли экан деб, ундан палапартиш фойдаланиш, исроф қилиш каби инсофсизликдан нари бўлишимиз лозим. Ёшларни, айниқса болаларни сувнинг қадрига етишга ўргатишимиз шарт.

Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида алюминий заводининг қурилиб, ишга туширилиши нафақат Тожикистон, шунингдек, республикамизнинг чегарадош туманлари учун офат бўлганини амалда кўриб турибмиз. Бу заводдан ҳар йили ҳавога юзлаб тонна заҳарли моддалар чиқади. Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманларида чорва моллари касалланмоқда. Мева-сабзавотларнинг таркибида ҳам зарарли моддалар борлиги сезиляпти, дармондорилар миқдори камайиб кетяпти. Буларнинг барчаси инсон организмига таъсир этмайди, деб ҳеч ким кафолат бермайди.

Биз юқорида атмосферадаги азон қатламининг емирилиши оқибатлари ҳақида қисқача тўхталгандик. Кейинги йилларда Антарктидада кун одатдагидан исиб кетиши оқибатида музликлар эриб, дунё океанида сув кўпайиб, айрим ороллар сув остида қолаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Азон қатламининг емирилиши инсон ҳаётига ҳам хавфли эканини унутмаслик керак. Мутахассис олимлар азон қатламининг юбқалашуви оқибатида қуёш нурларининг фильтрланиш даражаси камайиб кетиши, бу эса қуёш нуридан баҳраманд бўлган инсон танаси терисида рак касаллигининг келиб чиқиши ва ривожланишига олиб келишини илмий жиҳатдан исботлаб бердилар. Азон қатламининг юбқалашуви, шунингдек чорва молларига ҳам таъсирини ўтказади. Далаларда ҳосилдорлик сезиларли даражада камаяди, тупроқ унумдорлиги пасаяди. Мевали, манзарали ва иморатбоп дарахтларнинг ҳам касалланишига олиб келади. Азон қатлами емирилишининг олдини олиш учун гарчи жаҳон олимлари, тегишли ташкилот ва идоралар дунёнинг нуфузли ташкилотларини хабардор қилиб, бу офатнинг инсоният ҳаётига нечоғли ҳалокатли эканини ҳар жиҳатдан исботлаб бераётганларига қарамай айрим йирик давлатларда саноат чиқиндиларини зарарсизлантириш ишларига етарли эътибор қилинмаяпти. Бу эса атроф муҳитнинг ифлосланиши, айниқса зарарли тутун, газ ва ислар туфайли азон қатлами емирилишининг давом этишига олиб келяпти.

Маълум бўлишича, ҳар йили ер юзидаги бир неча ҳайвон турлари, ўсимликлар йўқ бўлиб кетяпти. Ўрмонларнинг аёвсиз равишда кесиб юборилаётгани ҳақида матбуотда ташвишли хабарлар берилмоқда. Ўрмонлар ер юзининг чиройи бўлиб қолмай, у инсонлар учун ҳавони тозалаб берадиган, атрофга мусаффолик бахш этадиган ноёб манбадир. Кейинги йилларда Россия, Европанинг бир қатор давлатлари ҳамда Австралиянинг ўрмонларида даҳшатли ёнғинлар содир бўлиб, миллионлаб гектардаги дарахтзорлар куйиб кул бўлди. Бу ҳам инсонларнинг табиатга бўлган эътиборсизлиги натижаси эканлиги сир эмас. Ўрмонга дам олиш, хордиқ чиқариш учун борганлар гулхан ёқиб, оловни ўчирмай кетиши, сигарета чекиб дуч келган жойга ташлаши туфайли чиққан ёнғинни инсонларнинг ўзлари ўчиришга имкон тополмай қолишяпти. Ёнғин натижасида нафақат ўрмон дарахтлари, шунингдек, кўплаб ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар ҳам ўт, олов исканжасида нобуд бўлмоқда. Масалан, Австралиядаги ўрмонларда содир бўлган ёнғин натижасида минглаб ўрмон ҳайвонлари нобуд бўлган, ўрмон атрофидаги минглаб гектар яйловлар яроқсиз ҳолга келган. Яна ачинарлиси, ёнғин бир неча аҳоли яшаш пунктларига ҳам ўтиб, кўплаб кишилар бошпанасиз қолган.

Бир марта ёнғин содир бўлган ўрмонни кузатсангиз, бепоён дарахтзор ўрнида қопқора куйган ер қолганини кўрасиз. Атрофга чирой бериб, соф ҳаво тақдим этаётган ўрмон ўрнида кул босган дала пайдо бўлади. Бир ниҳолнинг ўсиб, йирик дарахт бўлиши учун бир неча йиллар керак бўлади. Миллионлаб гектар ердаги куйиб, ёнган ўрмонларнинг яна дарахтзорга айланиши учун йиллаб кутишга тўғри келади. Ёнғин пайтида эса кўплаб ноёб ҳайвон турлари умуман йўқолиб кетади. Инсонларнинг эътиборсизлиги табиатга бўлган шафқатсизлиги ана шундай глобал муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келяпти.

Экинзорлар, аниқроғи унумдор ерларнинг камайиб бораётгани ҳам жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Ер асрлар давомида инсонни боқиб келяпти. Истеъмол қилинадиган ҳамма нарса ерда униб ўсади. Ер юзининг айрим минтақаларида суғориш учун сув етишмай, ҳосилдор ерлар чўлга айланаётган бўлса, айрим минтақаларда эса унумдор ерларга хўжасизларча муносабатда бўлиниб, турли саноат корхоналари қуриш баҳонасида қисқартириляпти. Сув босиб, экин экишга яроқсиз ҳолга келаётган жойлар ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси авввало инсонларнинг табиатга бўлган инсофсизларча муносабатининг натижасидир.

Мутахассислар кейинги йилларда гарчи табобатда катта ютуқларга эришилаётганига қарамай инсонлар ўртасида касалланиш ва уларнинг турлари камаймаётганини айтишмоқда. Инсонга касаллик эса биринчи галда ташқи муҳитдан келиши кўпчиликка маълум. Ташқи муҳит эса табиатдаги ўзгаришлар, аниқроғи экологик бузилишлар инсонга фақат салбий таъсир ўтказади. Бу эса турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Юртбошимиз Ислом Каримов нуфузли халқаро анжуман ва йиғинларда экологик муаммолар, жумладан, Орол денгизининг ҳалокатига нисбатан зарур чоралар кўрилиши лозимлиги ҳақида дунё ҳамжамиятини кўп марта огоҳлантириб ўтди. Бу ҳалокат нафақат Ўзбекистон, балки Орол атрофидаги давлатларга ҳам хавф солаётгани маълум. Шунинг учун ҳам ЮНЕСКО томонидан Орол муаммоларига бағишланган халқаро кенгашлар ўтказилиб, денгиз атрофида яшовчи аҳолининг саломатлиги сақлаш учун кўп йиллик дастурлар ишлаб чиқилиб, ана шу режалар асосида Оролбўйи аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиляпти.

Экологик муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаётгани ёки бу долзарб ишларга эътиборсизлик қилинаётгани боис улар глобаллашиб боряпти. Маълумки, касаллик вақтида даволанмаса, унинг тузалиши қийинлашиб бораверади. Табиат ҳам шундай. Унинг оғриқ жойларини тезда аниқлаб, зарур чора кўрилмаса, муаммо кўпайиб, ҳалокат сари яқинлашаверади. Бизга аждодларимиз сўлим табиат, соф ҳаво ва зилол сув қолдиришган. Биз ҳам авлодларга бебаҳо табиатга зарар етказмай мерос қилиб қолдиришимиз шарт.

**Эшвой ТУРДИҚУЛОВ,**
**педагогика фанлари доктори,**
**профессор.**

---

**Сиёсий-ижтимоий сабоқ**

# ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ:
## ЯНГИ ҚАРАШЛАР, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

**Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи учта меъзон бор, деб кўрсатган эди Президентимиз ўз маърузасида, – бу халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этиши ва ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилинишидир. Ҳаммамизга маълумки, 2009 йилнинг 27 декабрида ҳар қандай демократик давлатларга хос бўлган ҳамда энг муҳим сиёсий тадбир ҳисобланувчи, ҳокимиятнинг олий вакиллик органи – Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловларнинг кучли фуқаролик жамияти қуришдаги аҳамияти ҳақида қанча кўп гапирсак ҳам шунча оз. Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловларда аҳолининг барча қатлами ўзининг конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда овоз беришда фаол иштирок этдилар. Бу ўринда икки оғиз сайлов натижалари ҳақида тўхталиб ўтсак.**

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, сиёсий партияларга ва депутатликка номзодларга сайлов кампаниясини амалга оширишда, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда, сайловолди дастурлари мазмун моҳиятини сайловчиларга етказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилди.

Овоз бериш натижаларига кўра, 96 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Шу билан бирга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 39 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур миқдорда овозлар тўплай олмаганлиги сабабли, 2010 йил 10 январда такрорий овоз бериш учун қайта сайлов ўтказилди. Такрорий овоз бериш сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган демократик принциплар асосида умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларга тўлиқ мос ҳолда ўтказилди.

Сайланган 150 нафар депутатлардан 47 киши ёки 31,3 фоизи илгари Қонунчилик палатаси депутатлари бўлган. Бу ҳолат сайланган депутатларнинг нафақат ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлганлигидан, қолаверса профессионал парламентни шакллантиришда уларнинг ҳаётий тажрибаси ва қонун ижодкорлиги амалий кўникмаларидан янада самарали фойдаланиш имкониятини беради.



Янги сайланган депутатлар корпусининг таркибида Қонунчилик палатасининг профессионал хусусияти ўз аксини топган. Айни пайтда қуйи палата таркибида жамиятнинг деярли барча қатламлари вакиллари бор.

Сайлов жараёни ошкоралиги ва транспарентлигига кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолияти катта омил бўлиб хизмат қилди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва у қандай ўтаётганлигини 500 дан ортиқ маҳаллий ва 200 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари ёритиб бордилар. 36 та давлатдан ва тўртта халқаро ташкилотдан, хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти миссияларидан ташриф буюрган 270 дан зиёд кузатувчилар, шунингдек, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг 60 мингдан зиёд кузатувчилари ва ваколатли вакиллари сайлов мониторингини юритдилар. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш бўйича ўтказилган қўшма мажлиси сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, 2010 йилнинг 20-22 январь кунлари бўлиб ўтди. Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлари орасидан сайланди ва Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, Сенат аъзолигига номзодлар маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлари орасидан Оқсоқоллар кенгашлари томонидан кўрсатилди. Сенат таркибида жамиятнинг деярли барча ижтимоий қатламлари вакиллари, жумладан, йирик олимлар, маданият ва санъат арбоблари бор.

Мамлакатимиз саноати мажмуи вакиллари сенаторларнинг 8 фоизини ташкил этади. Улар асосан энг йирик ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши, халқ фаровонлигини юксалтириш суръатларини белгиловчи Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқлари вакилларидан иборат. Сенат аъзоларининг 15 фоизи турли соҳаларда фаолият юритувчи, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этувчи, ўз меҳнати, илғор ҳаётий қарашлари билан халқимиз орасида обрў-эътибор қозонган хотин-қизлардир.

Мамлакатимизда олдинги йилларда фаолият юритган Олий Мажлис фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, унинг муваффақиятли ишлагани тўғрисида хулосага келишимиз мумкин. Бу парламент томонидан жамият ҳаётининг барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Қабул қилинган қонунларни барчасининг марказида фақатгина инсон омили ҳисобга олинди, қонунлар сифат жиҳатдан янада мукаммаллашди. Айни пайтда олдинги йилларда мамлакатимизда фаолият юритган парламент томонидан бугунги кунга қадар жами 671 та қонун қабул қилинган бўлиб, шундан 563 таси амалдаги қонунлардир. 2004-2009 йилларда фаолият юритган икки палатали парламент фаолияти мамлакатимиз қонунчилигининг сифат жиҳатдан янада янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди. Хусусан, ушбу йиллар мобайнида Олий Мажлис томонидан 250 дан зиёд қонунларни қабул қилиниши икки палатали парламент фаолиятининг қанчалик самарали эканлигини кўрсатиб турибди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, 2010 йилдан эътиборан ўз фаолиятини бошлаган янги парламент олдингисидан бир қатор хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади. Бундай фарқли жиҳатларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

***Биринчидан,*** янги парламентнинг Қонунчилик палатасидаги депутатлар сони 120 тадан 150 тага етди. Бунда 135 нафар депутат кўппартиявийлик асосида сайланган бўлса, қолган 15 нафари Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланди.

***Иккинчидан,*** янги шаклланган икки палатали парламент таркибига Ўзбекистоннинг ҳозирги ва келажак авлодларининг қулай атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитнинг табиийлигини муҳофаза қилиш, табиат захираларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва уларга сўзсиз риоя қилиш мақсадида тузилган Ўзбекистон экологик ҳаракати вакилларидан иборат депутатлар киритилди. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, экоҳаракат вакилларига парламентдан ўрин ажратилганлиги хорижий мамлакатлар қонунчилиги тажрибасига асосланиб, бундан асосий мақсад бугунги кунда мамлакатимиздаги экологик масалаларни қонунчиликка тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш орқали ҳал қилишдан иборат;

Айни пайтда мамлакатимизда янги шаклланган парламент олдидаги қатор вазифалар 2010 йилнинг 27 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисида Президент И.Каримовнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва



кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир" деб номланган маърузасида белгилаб берилди. Унга кўра янги шаклланган парламентимиз олдида турган вазифалар қўйидагилардан иборат:

**Биринчидан,** иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириш;

**Иккинчидан,** парламент фаолиятида, ғоя ва дастурлар беллашуви доимий тус олишини, ҳар қайси партиянинг ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига ана шундай кураш орқали эришишини таъминлаш;

**Учинчидан,** ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига риоя қилган ҳолда, парламент ҳокимиятининг амалий ролини кучайтириш;

**Тўртинчидан,** қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатиш;

**Бешинчидан,** қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан марказда ва жойларда кенг фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўриш;

**Олтинчидан,** ижро ҳокимияти раҳбарларининг улар бевосита масъул бўлган соҳаларда қонунларнинг қандай бажарилаётгани бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириш;

**Еттинчидан,** парламент назоратининг парламент сўрови, парламентда ҳисоботни эшитиш ва парламент фаолиятининг қонунда кўзда тутилган бошқа шаклларидан кенг фойдаланиш;

**Саккизинчидан,** парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислоҳотлар тарғиботчисига айланишига эришиш;

**Тўққизинчидан,** фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш;

**Ўнинчидан,** Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашиш;

**Ўн биринчидан,** фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласини устувор йўналишга айлантириш;

**Ўн иккинчидан,** маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш;

**Ўн учинчидан,** маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларни изчил давом эттириш;

**Ўн тўртинчидан,** маҳаллани фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб энг муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш;

**Ўн бешинчидан,** фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш. Миллий матбуотининг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш;

**Ўн олтинчидан,** нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш.

Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз керакки, янги шаклланган парламент – Олий Мажлис олдида юртбошимиз томонидан белгилаб берилган жуда кўплаб ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар турган бўлиб, уларнинг ҳал этилиши мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида хизмат қилади.

**Улуғбек АЪЛОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг етакчи илмий ходими.**

## «Элу юрт посбонлари – тинчлигимиз қалқонлари» танловига

# ЕРТЎЛАДАТИ ҚАБР

(Детектив)

**Кўнглига қил сиғмаётган Наталя ишхонасидан рухсат олиб, тўғри синглисиникига борди. Озиб-тўзиб кетган Саша холасини кўриб, қучоқ очиб югурди. Жиянининг қисқа вақт ичида афтодаҳол бўлиб қолганидан қалби ўртанган Наталя узоқ вақт уни маҳкам қучоқлаб турди.**

– Онам қани? Нега улар келмайдилар? Сашанинг мунгли саволларига анчадан бери ўзи ҳам жавоб излаб, қийналаётган Наталянинг дарди баттар оғирлашди. У бўғзига тиқилган нарсани аранг босиб, олиб келган егуликларни Сашанинг олдига қўйди. Тез-тез нафас олиб, оғзидагини чала чайнаб ютаётган боланинг овқатланишини кўриб, Наталянинг юраги янада эзилди. У Сашани уйига олиб кетишга уринди.

– Мен ҳеч қаерга бормайман, шу ерда ойимни кутаман. Ойим менга ўйинчоқ телефон олиб келадилар. Мен ҳам ўртоқларимга ўхшаб унинг мусиқасини эшитиб юраман, – деб бола узоқларга тикилди.

Наталя етти ёшли жиянининг кийимларини алмаштириб, кир бўлганларини ювиш учун олиб кетди. Шундан сўнг туман ИИБга йўл олди. Катта тезкор вакил, майор Расул Пўлатов синглиси Анастасияни йигирма бир кундан бери излаётган аёлнинг сўзларини диққат билан эшитиб, аризасини навбатчилик қисмида рўйхатдан ўтказди. Сўнг тезкор гуруҳ сафида Анастасия яшаган жойга жўнаб кетди. Кечга яқин тезкор гуруҳ аъзолари қайтиб келишди. Майор Расул Пўлатов стулга ўтирди-да, чарчоғини ёзиш учун оёқларини узатди. Шу пайт хонага кириб келган тезкор вакил, капитан Камолиддин Комилов:

– Яхши бориб келдингизларми, нима гап экан? – деб сўради.

– Уйни кўздан кечирдик, қон ёки бошқа шубҳали нарсалар кўринмади. Ҳамма жиҳозлар жой-жойида, яна битта бедарак йўқолган шахс рўйхатга олинадиган бўлди, – деди майор.

– Ўғли-чи, уни кўрдингизларми? – шошиб сўради капитан.

– Йўқ. Чунки биз борганда у мактабда экан.

Капитан ўз хонасига ўтиб кетди. Бироқ негадир қўли ишга бормади. Фикри-хаёли бедарак йўқолган Анастасия ва уни интизорлик билан кутаётган ўғлида бўлди. Шартта ўрнидан туриб, Анастасияникига бормоқчи бўлди-ю, у ҳақда тўпланган ҳужжатларнинг прокуратурага тушишини кутиш маъқул деб ўйлаб, яна фикридан қайтди. Уйга кеч қайтган Комилов ухлаб қолган ўғлига меҳр билан термулиб, яна Сашани ўйлади. «У шўрлик ёлғиз қандай яшаётган экан. Онаси боласини ташлаб, нега бунчалик узоқ кетдийкин»? Хотини келтирган овқат ҳам капитаннинг томоғидан ўтмади. Аммо чекаётган изтиробини турмуш ўртоғига билдирмади. Комилов иши ҳақида оиласига гапиришга одатланмаган эди.

Орадан тўрт кун ўтиб, синглисини излаётган ўша рус аёли яна ИИБда пайдо бўлди. Капитан Комилов кўзларидан тинмай ёш қуйилаётган аёлга салом бериб:

– Кечирасиз, синглингиз ҳалиям топилмадими? – деб сўради.

– Йўқ. Лекин бу кўргулик етмагандай ўғлиям йўқолиб қолди. Яна пиқиллиб йиғлашга тушди Наталя. Комилов уни хонасига бошлаб бориб, бўш ўриндиқларнинг бирига ўтқазди ва бир бошдан гапириб беришни сўради.

– Ўтган гал ҳаммасини айтган эдим, лекин ҳеч қандай натижа бўлмади. Мана, уч кундирки ўғли Саша ҳам изсиз йўқолди. Ахир ишлайсизлармми ўзи? – жаҳл билан бақириб юборди аёл. Капитан Комилов Наталяга бир пиёла муздек сув бериб, синглисининг эри билан қизиқди.

– Анастасия уй-жой қурилиш ширкатида ишлайди. Эри у билан ажрашиб, Россияга кетганига уч йил бўлади, – бироз ўзини босиб саволларга жавоб бера бошлади Наталя.

– Эри Россиядан келган бўлиши ҳам мумкинми?

– Йўқ, келолмайди, чунки у ногирон.

– Синглингиз бошқа бир эркак билан ҳам учрашиб турармиди?

– Ҳа, Анастасия ўзи билан бир ширкатда ишловчи Вали исмли йигит билан учрашиб юрарди.

– Сиз уни яхши танийсизми?

– Йўқ, унчалик эмас, фақат бир марта синглимнинг туғилган кунида кўргандим холос. Лекин ҳозир ширкатда ҳам кўринмай қолган. Айтишларича, у кейинги пайтлар синглимникида яшаган экан. Лекин мен уни ҳечам учратмаганман. Яқиндагина бориб, Сашадан хабар олган эдим. Ўтган икки кун ичида бола ҳам йўқолди, ахир уларни ер ютиб кетмагандир.

Аёл яна йиғлай бошлади. Капитан Наталяга тасалли бериб, ҳозирги айтганларини ёзиб беришни сўраб, олдига қоғоз-қалам қўйди. Аёлдан тушунтириш хати олган Комилов у билан бирга Анастасиянинг уйига борди. Бор-йўғи битта кириш эшиги ва учта панжарали деразаси бўлган уй-кичик ҳовли жойдан иборат бўлиб, жуда ночор аҳволда эди. Эшикка осилган бесўнақай қулфни кўрган Комилов калит кимда, деб сўради.

– Менда, ҳозир очаман, – деб аёл қулфга калит солиб, эшикни очди. Капитан шошилмай ичкарига кириб, хонани синчиклаб кўздан кечира бошлади. Эшикдан киришдаги ювиниш жойида соқол олишда ишлатиладиган «Жилет» устараси ва кўпик суркагични кўриб, дастрўмоли билан уларни қўлига олди. Лезвиялар орасидаги соқол қолдиқлари ва суркагич толалари ҳали қуримаган эди.

– Бу ерда кимдир яшайдими? – деб сўради Комилов аёлдан.

– Йўқ, ким ҳам яшарди.

– Уйнинг калити яна кимда бор?

– Ҳеч кимда.

– Унда мана бу нарсалар кимники? Аёл Комиловнинг қўлидагиларни кўриб, ҳайратга тушди.

– Кеча келганимда бу нарсаларни кўрмагандим, – деди у. Капитан уларни жойига қўйиб, ўткир нигоҳи билан ичкарига разм солди. Уй ичи жуда тартибсиз аҳволда бўлиб, қўланса ҳиддан кўнгил айнирди. Деразаларга обдон назар солган Комилов улардан бирининг яқиндагина очилиб ёпилганини пайқади. Чунки панжаранинг таг қисми очиқ эди. «Кимдир бу ердан кириб чиққан» хаёл қилди капитан ва хонанинг бир бурчагида мунғайиб турган, фанердан ишланган дарс столига кўз ташлади. Дафтарлардаги уч кун олдинги санада ёзилган Сашанинг қинғир-қийшиқ ёзувларини ўқиб, вужудини ўртаган ҳисдан беихтиёр кўзига ёш келди. Уй ичида қон доғлари ёки жанжал пайтида қоладиган бирон-бир ашёвий далил топилмаганлиги боис, Комилов аёлга ҳеч нарсага тегмасликни ва эшикни боягидай қулфлаб кетишини тайинлади. Капитан Наталяни уйига ташлаб ишхонасига келди-да, бошлиғига ахборот бериб, уйни кузатувга олиш зарурлигини тушунтирди. Бу борада бошлиғидан тегишли кўрсатмалар олган капитан Комилов ҳамкасби, тезкор вакил, лейтенант Асад Ҳамидовни олиб қоронғи тушиши билан Анастасиянинг уйини кузатишга қулай жой топди ва икковлон машина ичида бутун диққат-эътиборини ўша томонга жалб қилди. Ярим тунда кузатувдаги уй деразасидан митти чўғ кўринди.

– Кимдир сигарет чекаяпти, – деди капитан.

– Ахир эшикда отнинг калласидай қулф осилиб турибди. Деразаларга ҳам темир панжаралар ўрнатилган. У ерда одам нима қилади, – кўзларига ишонмай сўради лейтенант.

– Яна бироз кузатамиз, – деб капитан қўлига тўппончасини олди. Шу пайт ичкарида шам шуъласи пайдо бўлди-ю зум ўтмай ўчди.

– Менимча ухлаш учун ўзига жой тайёрлади, – деди капитан ҳамон хотиржам.

– Сизга кулгили туюлаётган нарса мени ваҳимага солаяпти. Эшитишимча, руҳлар шуъла билан ўйнашар экан. Ким билади, балки шайтондир, – деди лейтенант ҳамон деразадан кўзини узмай.

– Қўрқма, қуролимиз бор-ку. Қани бўл, энди ичкарига кириб, унинг қандай шайтон эканлигини аниқлаймиз, – деди капитан.

– Эшик ва деразалар маҳкам беркитилган, ичкарига қандай кирамиз, – деди лейтенант машинадан чиққиси келмай.

– Шайтон қаердан кириб чиқаётган бўлса, биз ҳам ўша ердан кирамиз, – деди капитан.

– Унинг қаердан кириб чиқаётганини билмаймиз-ку, – деди лейтенант ҳамон ҳадик билан.

– Кундузи келганимда буни аниқлаб кетгандим, – деб капитан лейтенантни дераза олдига олиб борди ва уни ташқарида қолдириб, ўзи панжарани пичоғи билан товуш чиқармай очди-да ичкарига кирди. Уй қоронғи бўлиб, оғир сукунатга чўмган эди. Ҳар бир нуқтани яхши эслаб қолган Комилов девордаги чироқ ёқиш тугмачасини осонгина топди. Кутилмаганда пайдо бўлган ўткир чироқ нурларидан кўзи қамашган одам жон талвасасида бошини кўтариб, ётган ерида бир сапчиб тушди.

> **– Жасадларни қаерга яширдинг?**
> **– Полнинг очиладиган махсус жойи бор. У ердан эски-туски нарсалар қўйиладиган кичик ертўлага тушилади. Уларни шу ерга кўмганман.**

– Қимирлама, отаман! – бақирди Комилов унга тўппончасини ўқталиб ва ҳамкасбини чақириб, қўлига кишан солишни буюрди. Лейтенант Ҳамидов увадаси чиқиб кетган шолча ва пахталари титилиб кетган кўрпачада юзтубан ётган одамнинг қўлларини қайириб, кишан солгач капитан уни сўроққа тутди.

– Сен кимсан? Бу ерда нима қилаяпсан?

– Исмим Вали, шу ерда яшайман. Ҳеч нарса қилганим йўқ. Мени кечиринглар.

– Ҳеч нарса қилмаган бўлсанг нега кечирим сўрайсан?

...

– Хонага қаердан кирдинг?

– Деразадан.

– Қачон?

– Икки кун бўлди.

– Кундузи келганимизда сени кўрмадик-ку?

...

– Ҳа, майли қолган гапни бўлимда гаплашамиз, – деб капитан Комилов ҳамкасби билан уни бўлимга олиб келди. Суҳбат давомида Валининг Анастасия билан ноқонуний яшаб юргани, уни бошқалардан рашк қилиб бўғиб ўлдиргани, маълум вақт ўтгач Саша онасининг жасадини кўриб қолганлиги, айтиб қўйишидан қўрқиб уни ҳам бўғиб ўлдиргани ойдинлашди.

– Жасадларни қаерга яширдинг?

– Полнинг очиладиган махсус жойи бор. У ердан эски-туски нарсалар қўйиладиган кичик ертўлага тушилади. Уларни шу ерга кўмганман. Бугун ҳам сизларнинг келаётганингизни кўриб, ўша ерга яширинган эдим.

– Энди кўнглинг хотиржам бўлдими? – тишларини ғичирлатди капитан.

– Ҳа. Ўзимни жуда енгил ҳис қилдим.

– Шу кунгача онасини интизорлик билан кутаётган болани нима деб алдаб келдинг?

– Эрталаб уйғонганда онанг ишга эрта кетди, кечқурун эса кеч келади, дердим. Саша онасини кутиб-кутиб, ухлаб қоларди. Капитан Комилов унинг гапларига ишонч ҳосил қилиш учун жасадларни ўз кўзи билан кўришни истади ва Асадни унинг ёнида қолдириб, яна Анастасиянинг уйига келди. Уйга худди олдинги тарзда кириб, чироқларни ёқиб, ертўланинг қопқоғини топди. Тўрт-бешта михсиз тахталарни жойидан кўчириб, қўл фонарини ёқиб, пастга тушди. Бадбўй ҳиддан капитаннинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Эски-туски кийимлар ва яроқсиз рўзғор буюмлари қалашиб ётган жойда янги ковланган тупроқни кўрди ва яқинроқ эмаклаб бориб, қўллари билан оча бошлади. Бармоқлари нимагадир текканини ҳис қилган капитан фонарини ўша ёққа қаратди. Узун оқ сочли аёлнинг башараси кўриниб, бадбўй ҳид янада кучайиб кетди. Унинг ёнида яна битта кичик ўрани кўрган Комилов тезда ортига қайтди. У бўлимга келиши билан ҳамкасби, лейтенант Асад Ҳамидовга Валининг алдамаганини билдириб, бош қимирлатиб қўйди. Лейтенант капитаннинг ўзгариб кетган рангига қараб ҳам буни ҳис қилиб, эти жимирлаб кетди. Бироқ ундан нималарни кўрганини сўрашга юраги бетламади. Комилов Валидан қилмишлари батафсил битилган тушунтириш хати олгач, соатига қаради. Унинг миллари беш-у ўн иккини кўрсатарди. Тонг ёришишига оз вақт қолганлиги учун бошлиқларни безовта қилишни истамай, яна бироз сабр қилди.

Эрталаб капитан Комиловнинг ахборотини эшитган бошлиқ:

– Балки Вали алдаётгандир, – деди.

– Жасадларни ўз кўзим билан кўриб келгач қотиллик содир этилганига тўлиқ амин бўлдим, – жавоб берди капитан.

– Ярим кечаси қўрқмадингми? – сўради ҳайратини яшира олмай бошлиқ.

– Қилган ишимнинг натижаси аниқ бўлгандагина ахборот беришга одатланганман. Устозларим мени шунга ўргатишган. Бироз қўрққаним рост. Бироқ қатъий тартиб-интизомга айланган бу одат пайдо бўлган қўрқувни енгишда катта ёрдам бергани ҳам ҳақиқат, – деди ҳозиржавоблик билан капитан.

– Раҳмат сенга, узоққа борасан изқувар, – деб бошлиқ ўрнидан туриб, Комиловнинг қўлини маҳкам қисиб қўйди.

... Тор кўча бўйидаги ғариб кулба атрофида тумонат одам тўпланди. Бошлиқ билан бирга келган прокурор:

– Кечаси билан излаб топган нарсаларингизни кўрсатинг-чи. Хабарим бор, бошлиғингиз ҳаммасини айтиб берди, – деб капитаннинг елкасига оҳиста уриб қўйди.

Капитан уларни ертўла томон бошлади ва чаққонлик билан тахталарни жойидан кўчириб, ичкарига тушиш зарурлигини билдирди. Раҳбарлар костюмларини ечиб, пастга тушишди ва фонар ёруғида жасадни кўриб, ташқарига чиқишди. Экспертлар она-боланинг жасадини ташқарига олиб чиқишди. Салафанга ўралган етти яшар норасида гўдакнинг бузила бошлаган мурдаси юракларни ларзага келтирди. Анастасиянинг қариндошлари ва яқинлари уввос солиб йиғлаб юборишди. Прокурор капитан Комиловга миннатдорчилик билдириб, Валини тезда прокуратурага етказишни тайинлади. Капитан машинасига яқинлашганида бўғиқ овозда кимдир чақираётганини эшитди. Кўзлари шишиб кетган Наталя югуриб келди-да, бироз нафасини ростлаб олгач:

– Узр, ички ишлар ходимлари тўғрисида нотўғри хаёлга борган эканман. Ҳаммаси учун раҳмат, – деб йиғлаб юборди.

– Лоқайдликка берилмай, салгина ҳушёр бўлганингизда, балки Сашани сақлаб қолармидингиз, – деб капитан Комолиддин Комилов аччиқ бўлса-да ўз эътирозини аёлга билдириб, йўлга тушди.

Наталя кўзларида ёш ила унинг ортидан узоқ термулиб қоларкан, назарида ўз хатосини тушунгандек бўлди.

**Шухрат АБДУЖАББОРОВ.**
**подполковник.**



## Болалар спорти

# ҚЎШБАРМОҚЛИК СПОРТЧИ ЁШЛАР

Жиззах тумани «Қўшбармоқ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 31-сонли ўрта мактаб ёшларининг спортга бўлган қизиқиши жуда катта. Мактабнинг спорт зали доимо ўқувчилар билан гавжум. Бу ерда айниқса, спортнинг бокс тури яхши ривожланган. Туман ИИБ вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, капитан Алимардон Алишаев мактаб жамоаси билан турли спорт мусобақаларини ташкиллаштиришда фаол иштирок этиб келмоқда.

Яқинда ушбу мактабда меҳнат фахрийси марҳум Йўлдош Маматов хотирасига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди. Хотира турнирида қўшни давлатлардан ва республикамиз вилоятларидан кўплаб ёш боксчилар қатнашиб, ғолиблик учун беллашдилар. Энг қувонарлиси, ушбу мусобақада маҳалланинг ёш чарм қўлқоп усталари фахрли ўринларни қўлга киритдилар.

– Албатта, маҳаллаларда ўтаётган бундай спорт мусобақалари болаларни соғлом бўлиб ўсишларида катта аҳамиятга эга, – дейди капитан А. Алишаев. – Шу боисдан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида туманимизда мавжуд 58 та ўрта мактаб ва 9 та касб-ҳунар коллежида спорт мусобақаларини ўтказиш асосий тадбирларимиздан ҳисобланади.

Маҳаллаларда ёшларнинг спорт тўгаракларига кўплаб жалб этилаётганлиги улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,**
**майор.**

*Жиззах вилояти.*

# ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

***Ўтган йили Асака шаҳар ИИБ қошида спортнинг ўзбек жанговар санъати тури бўйича машғулотлар бошланганди. Айни кунларда бу ерда 300 нафардан ортиқ ёшлар шуғулланишмоқда.***

– Бу спортнинг янги турлардан ҳисобланади, – дейди машғулот раҳбари Акмалжон Алиев. – Унда ўзбек жанговар спорт турларининг энг яхши кўринишлари мужассамлаштирилган. Яъни, оддий курашдан тортиб соҳибқирон Амир Темур жангчилари қўллаган қўл жанги услубларини учратиш мумкин.

Спортнинг ушбу тури бўйича ёш авлодга мураббийлардан Элёрбек Эргашев, Ўткиржон Отажонов, Отабек Ғаффоровлар сабоқ беришмоқда. Ўттиз нафардан ортиқ қизлар билан эса Зилола Мирзараҳимова машғулот ўтяпти. Гарчи машғулотлар бошланганига узоқ вақт бўлмаган бўлса-да, бугунга келиб унинг ўз чемпионлари мавжуд. Фотима Сафарова, Гулноза Қосимова, Гулхумор Ортиқова, Достонбек Эргашевлар ўтган йилнинг кузида республикамиз пойтахтида бўлиб ўтган мамлакат биринчилиги учун мусобақаларда ғалабага эришиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Етти нафар иштирокчилар эса республика терма жамоасининг аъзолари таркибидан ўрин олишди.

Умидли спортчилардан бири Диёрбек Эргашев яқиндагина республика терма жамоасининг аъзолигига қабул қилинди. Шу кунларда у ёз фаслида Германияда бўлиб ўтадиган ўзбек жанг санъати мусобақасида иштирок этиш учун ҳозирлик кўрмоқда.

Асака шаҳар ИИБ томонидан ёшларга спортнинг ушбу тури билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Шу боис ҳам машғулотлар олиб борилаётган спорт зали туман ИИБга ўтказиб берилди.

Машғулот жараёнлари билан танишиб шу нарсага амин бўлдикки, Асакадан ҳали кўплаб чемпионлар етишиб чиқади.

**Борис КЛЕЙМАН.**

*Андижон вилояти.*

# СОҒЛОМ АВЛОД – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК



Амударё туманида Баркамол авлод йили муносабати билан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида спортнинг волейбол, баскетбол турлари бўйича «Биз келажаги буюк давлат фарзанларимиз» шиори остида спорт мусобақалари ўтказилди. Туман ички ишлар бўлими, ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган мазкур мусобақанинг асосий мақсади – туманда спортнинг барча турларини кенгроқ тарғиб қилишдан иборат, шунинг учун спортни оммавийлаштириш ҳамда етук ёш спортчиларни тайёрлаш, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг ўқишдан бўш вақтларини самарали ташкил қилиш, турли хил тўгаракларга жалб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида мусобақалар ўтказиб туриш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга эътибор кучайтириляпти.

Мусобақаларнинг очилиш маросимида Амударё тумани ИИБ бошлиғи, подполковник М. Сержанов, туман ҳокимининг ўринбосари Х. Ражаповалар сўзга чиқиб, спортчиларга омадлар тилашди ва мусобақанинг ўтказилиши ёшлар орасида спортни ривожлантириш ва уларнинг соғлом, бақувват бўлишларида муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтишди.

Беллашувлар қизғин тус олди. Волейбол тури бўйича ўғил болалар ўртасида биринчи ўринни 3-сонли Амударё академик лицейи жамоаси эгаллади. Шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи поғоналарини Манғит қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳамда Дурман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи жамоаси банд этди.

Волейбол баҳслари ҳам муросасиз беллашувларга бой бўлди. Қизлар орасида биринчи ўринга Қипчоқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи жамоаси муносиб деб топилди. Манғит иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жамоаси ва 3-сонли Амударё академик лицей жамоалари кучли учликдан жой олишди.

Баскетбол бўйича ўғил болалар орасида Қипчоқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи жамоасига тенг келадигани топилмади. Қизлар ўртасида биринчи ўринни 3-сонли Амударё академик лицей жамоаси қизлари эгаллашди.

Ғолиблар қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

**А. ЖИЕМУРАТОВ,**
**капитан.**

*Қорақалпоғистон Республикаси.*

**Суратда:** *мусобақадан лавҳа.*

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник **Маъмуржон ТУРҒУНОВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Терговсоҳасида узоқ йиллар ишлаб, жиноятчиликка қарши курашда самарали хизмат қилган ҳурматли устозимизга сиҳат-саломатлик, узоқ ва мазмунли умр тилаймиз.

**Фарзандлар, набиралар ва шогирдлар бахтига омон бўлинг, деб бир гуруҳ шогирдлари номидан Ш. РЎЗИЕВ.**

## «Қувноқлар ва зукколар»

# ДЎСТЛИК ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Фарғона шаҳридаги Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказида тингловчи ҳамда курсантларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида адолатпарвар шоҳ, серқирра шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунига бағишлаб гуруҳлараро «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви ва спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Дастлаб курсантлар спорт турлари бўйича маҳоратларини намойиш қилишди. Сўнг Макаров пистолети ва Калашников автоматларини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича куч синашишди. Махсус ва ҳуқуқий билим фанларидан олган назарий кўникмаларини синовдан ўтказишди. Жамоа аъзолари томонидан бадиий саҳна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Мусобақада шунингдек, икки жамоанинг беллашувга тайёрлаган кўкрак нишонлари ва деворий газеталари ҳам баҳоланди.

Ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» беллашувида кучлар тенг келиб, дўстлик ғалаба қозонди.

**А. ЭМИНОВ,**
**подполковник.**

*Фарғона вилояти.*

## Бир жиноят тафсилоти

# ДЕВОРДАГИ ҚОН ДОҒЛАРИ

***... Хизмат юзасидан пойтахтимиздаги Ҳамза тумани ИИБга боргандим. Суҳбатлашиш асносида туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Р. Маматкаримов:***

***– Яқинда тезкор ходимларимиз бир жиноятни жуда қисқа фурсатда очдилар. Агар жиноят тафсилоти билан танишсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз, – деди. Табиийки, бу воқеага қизиқиб қолдим.***



Меҳр-мурувватлилик, бағрикенглик халқимизга хос хусусият. Айниқса, қариндошларнинг ўзаро меҳрибонлиги, кези келганда бири-биридан борини аямаслиги қонқонимизга сингиб кетган. Бироқ ака-ука Санжар ва Сардор (исмлар ўзгартирилган) бу фазилатдан бебаҳра эдилар. Отасининг панд-насиҳатлари, онасининг илтижолари ҳам ака-укага кор қилмасди. Санжар ичкиликка ружу қўйган, Сардор эса акасидан худди шу одати сабаб нафратланарди, иккиси тез-тез низолашиб туришарди.

... Уйидан чиқиб кетганига ўн кундан ошса-да, катта ўғлидан бирор хабар эшитмаган Қодир ота Сардордан акаси қаердалигини сўради.

– Мен улфатчилик қилишга кетдим, мени изламанглар, – дея чиқиб кетганди,– деди Сардор елка қисиб.

Оила аъзолари Санжарнинг бу тахлит юришларига кўникиб кетишган. Ишидан ҳайдалгани аламига турмуш ўртоғини, гулдек фарзандларини уйдан қувиб солгач, куни кўчада ўтадиган бўлиб қолган. Деҳқон бозоридан сабзавотларни кўтарасига сотиб олиб, ўша ернинг ўзида бошқа бир одамга пулларди-да, фойдага қолган пул тугагунча ичарди.

* * *

– Алло, тезкор навбатчи эшитади.

– Анҳорда бир қоп сузиб юрибди. Ичида худди одам бордек туюлаяпти.

– Манзилини айтинг.

Маълумотларни ёзиб олган Ҳамза тумани ИИБ тезкор навбатчиси воқеа жойига зудлик билан тергов-тезкор гуруҳини жўнатди.

Айтилган манзилга етиб келган ходимлар қопни дарҳол сувдан олиб чиқишди. Унинг оғзи очилганида, ҳақиқатан ичидан одам жасади чиқди. Бу қирқ-қирқ беш ёшлардаги эркак кишининг мурдаси бўлиб, баданидаги жароҳатлар уни ўз ажали билан ўлмаганини кўрсатиб турарди. Энди тергов-тезкор гуруҳ аъзоларини «Қотил ким?» деган савол ўйлантира бошлади. Суд-тиббиёт экспертизаси унинг ўн кунлар олдин ўлдирилганлигини кўрсатди. Калаванинг учини топиш учун эса аввало, мурданинг шахсини аниқламоқ лозим эди. Дарҳол тезкор суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Сўнгги ўн кун ичида уйига қайтмаган, бедарак йўқолган, қидирувда бўлган шахслар ўрганила бошланди. Туман профилактика инспекторларига мурданинг сурати кўрсатилганда, капитан Нигмат Рўзметов бу одам унинг хизмат ҳудудига қарашли маҳаллада истиқомат қиладиган, ҳеч қаерда ишламайдиган Санжар эканлигини айтди.

Шундан сўнг барча ҳаракатлар унинг қотилини топишга қаратилди. Уйидан қачон, қай ҳолатда чиқиб кетган? Сўнгги марта уни кимлар, қаерда кўрган? Бировда қарзи бормиди ёки душмани бўлганми? Хуллас, саволлар жуда кўп, бироқ аниқ жавоб йўқ эди. Суриштирув давомида ота ўғлини сўнгги марта бундан ўн кунча олдин маст ҳолатда кўрганини айтди.

– Уйга яна оёққа туролмайдиган даражада маст ҳолда келди. Мени ва онасини ура бошлади. Ичиб олгандан кейин келиб иккаламизга қўл кўтариш одати бор. Укаси Сардорга эса унинг бу феъли ёқмайди. Иккаласи доим шу сабаб жиққамушт бўлишади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ака-укаларни ажратиб қўйиб, Сардорнинг машинасида Санжарни уйига элтиб қўйдик. Кейин мен ўз уйимга қайтдим. Сардор эса акасиникида қолди, – дея гапини тугаллади ўғлининг ҳасратида бир кунда қадди дол бўлиб қолган ота.

Сардор эса отаси чиқиб кетгандан сўнг акаси «Мени тинч қўйинглар. Мен улфатчилик қилишга кетдим, ўзим қайтаман, излаб ўтирманглар» деганини, шундан сўнг уйдан чиқиб кетганини айтди.

Бироқ моҳир изқуварлар Сардорнинг шубҳали хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларидан ниманидир яширмоқчи бўлаётганини сезиб турардилар. Шу сабаб Санжарнинг хонадонини ҳам текшириб кўришга қарор қилишди. Ҳовлига кирган ходимлар машинанинг ғилдираклари ечиб қўйилганини кўриб ҳайрон қолдилар. Чунки қўшнилар автомашинани ҳар куни Сардор ҳайдаб юрганини кўришганларини айтишган эди. Машина юкхонасидан қон доғларига ўхшаш излар, уйга тўшалган гиламдан, тескарисига ағдариб қўйилган ёстиқдан, девордан, полдан ҳам қон доғлари топилди. Экспертиза натижасида эса қон доғлари Санжарга, ёстиқдан топилган бармоқ излари Сардорга тегишлилиги аниқланди. Бундан ташқари, экспертизага жўнатилган машина юкхонасида турган чойшаб ва гилам бўлаклари ҳам қотилликни ким қилганини кўрсатиб турарди.

Ҳамза тумани ИИБ эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, подполковник Эрк Эшмуродов, ЖҚ ва УЖҚКБ бўлинма бошлиғи, капитан Жавоҳир Шарипов, катта тезкор вакил, майор Равшан Муҳамедовнинг аниқ далиллари олдида айбдор бош эгиб қолди. Шундай қилиб яна бир жиноят «иссиқ изи»да очилди. Қотил ука эса тилга кирди...

* * *

Ўша мудҳиш тунда отаси ҳовлидан чиқиб кетгач, Сардор акасининг таъзирини бериб қўймоқчи бўлади. Узлуксиз жанжаллар, ота-онасининг ёшли нигоҳлари унинг акасига нисбатан нафрат ўтини алангалатган эди. Ғазаб устида уни аёвсиз дўппослай бошлайди.

Акасини уриб, тепиб бир оз ҳовуридан тушган ука хонадон деворларига сачраган қон доғларини кўриб даҳшатга тушди. Унинг қўлларини ушлаб кўрдию, сесканиб кетди. Чунки муздек бармоқлар эгаси аллақачон фоний дунёни тарк этганини айтиб турарди. Сардор аввалига нима қилишини билмай довдираб қолди. Кейин секин-аста ўзига кела бошлагач, акасининг мурдасини шу яқин атрофдаги анҳорга ташлаб юборишга қарор қилди.

Мурдани чойшабга ўраб, катта елим қопга жойлади. Сўнг гиламга ўраб машина юкхонасига юклади. Ҳовлидаги пиёз солиш учун мўлжалланган қоплардан бирига анчамунча тош солди ва уни ҳам юкхонага қўйиб қўйди. Сўнг қотиллик содир этган хонага кириб, қон теккан буюмларни наридан-бери тозалади. Ёстиқ жилдига ҳам қон тегканини кўриб, уни тескари қилиб қўяқолди. Ҳар эҳтимолга қарши хонадаги лампочкани ечиб олди.

Ўз кўнглида содир этган қотиллигидан из қолдирмаган Сардор йўлга тушди. Машинани анҳор бўйидаги хилват ерда тўхтатди ва мурдани пастга туширди. Тошлар солинган қопни елим халтага қўшиб боғлади ва сувга ташлаб юборди. Жиноятимни сув яширади, энди айбим ошкор бўлмайди, деб хотиржам бўлиб уйига қайтди.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганларидек, тезкор ходимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида, ўз акасининг қотилига айланган Сардорнинг жинояти ҳам тез кунда фош этилди.

**Гули Нигор АВАЗОВА.**

*Тошкент шаҳри.*

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

**Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.**



**Сирожиддин Камарходжаевич Камалходжаев.** 1983 йилда туғилган. Тошкент вилояти Зангиота тумани Чиғатой-оқтепа маҳалласи Баҳор кўчаси, 16-уйда яшаган. 2009 йилнинг 15 декабрь куни уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи қора, кўзлари ўртача катталикда, қошлари қора, бурни тўғри.

* * *

**Умида Мухтаровна Асадова.** 1969 йилда туғилган. Учтепа тумани Бешқайроғоч даҳаси 21-уй, 19-хонадонда яшаган. 2005 йилнинг июль ойида уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, сочи қора.

**Алоҳида белгилари:** қорин қисмида жарроҳликдан қолган чандиғи бор.

**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга бўлганлардан Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

## ҚИДИРИЛМОҚДА



Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ томонидан 1967 йилда туғилган **Руслан Абдурасулович Сулейманов** жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда. У Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 49-уй, 52-хонадонда яшаган.

Р.Сулеймановни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

## ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2006 йилнинг 17 январь куни Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Янги турмуш маҳалласидан оқиб ўтувчи Қорасув каналидан эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 180 см, сочи қора.

**Кийимлари:** оч жигарранг енги калта футболка, кўк тўқ рангли спорт трикосида бўлган.

* * *

2005 йилнинг 24 сентябрь куни Зангиота тумани Бобур маҳалласидаги рақамсиз уйдан Европа миллатига мансуб, тахминан 55-60 ёшлардаги эркак кишининг мурдаси топилган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, сочи қора, лаблари қалин, бурни тўғри.

**Кийимлари:** жигарранг шимда бўлган.

* * *

2009 йилнинг 29 ноябрь куни Зангиота тумани Рамадон маҳалласидан оқиб ўтувчи Юқори Тошкент каналидан Осиё миллатига мансуб, тахминан 30-40 ёшлардаги эркак кишининг мурдаси топилган.

**Белгилари:** бўйи 177 см, қиррабурун, сочи оқ.

* * *

2008 йилнинг 30 август куни Зангиота тумани Олмазор маҳалласида жойлашган узумзордан Европа миллатига мансуб, тахминан 65-75 ёшлардаги аёл кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 160 см, сочи жигарранг, калта.

**Кийимлари:** жигарранг халатда бўлган.

* * *

2009 йилнинг 30 ноябрь куни Зангиота тумани Тарнов маҳалласи «Назарбек сиҳатгоҳи» кўчасидан Осиё миллатига мансуб, тахминан 25-35 ёшлардаги эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, юзи думалоқ, кўзлари катта, сочи қора.

**Кийимлари:** қора шим, қора кўк футболкада бўлган.

* * *

2006 йилнинг 2 февраль куни Зангиота туманидаги Қорақамиш ва Бўзсув каналлари туташган жойда Осиё миллатига мансуб, тахминан 30-40 ёшлардаги эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 180 см, сочи қора.

**Кийимлари:** оч жигарранг енги калта футболка, кўк спорт трикосида бўлган.

* * *

2006 йилнинг 11 май куни Зангиота тумани С.Раҳимов кўчасидаги 1-уй орқасида Европа миллатига мансуб, тахминан 50-55 ёшлардаги эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, юзи думалоқ.

**Кийимлари:** кулранг шимда бўлган.

**Шахси аниқланаётганлар ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

## Ичкилик касофати

# ОҚИБАТСИЗ УЛФАТЛАР

Асака шаҳрида яшовчи Хуршид Эргашев ёш бўлишига қарамай суднинг қора курсисидан жой олди. Воқеа қуйидагича бўлганди. Беш-олти нафар улфатлар йиғилишиб дўстлари Нодирнинг туғилган кунини нишонлашмоқчи бўлишди. Тўкин дастурхон атрофига йиғилган улфатлар туғилган кун соҳибининг шаънига яхши тилаклар билдиришиб, кетма-кет қадаҳ кўтаришди. Меъёрдан ошган ичкиликдан сўнг ўзларича шер бўлиб олган улфатлар бирин-кетин уйларига тарқала бошлашди. Йўлда бораётиб улфатлардан бири кўча бошидаги бильярдхонага киришни таклиф қилди. Таклиф мойдек ёққан улфатлар кўчанинг ўзида яна битта шишани бўшатишди.

Бильярдхонадан чиқишганда вақт анча кеч бўлиб қолганди. Хуршид дўстлари билан хайрлашаётганда ёнида турган Зокир негадир унинг ғашига тегадиган гап қилди.

Хуршид панароқ жойда Зокирнинг келишини кутиб турди. Бир-бирларини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаган улфатлар муштлашиб кетишди. Кайфи ошиб қолган Зокир Хуршиднинг юзига зарб билан тарсаки тортиб юборди. Зарбдан ерга йиқилиб тушган Хуршид ўрнидан турди-да, ёнидаги пичоғини ишга солди. Зокирнинг уч-тўрт жойига пичоқ санчиб олди. Қўлига томган қон томчиларини кўрган Хуршид рақибининг жонига қасд қилганини англаб етди.

Суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, Хуршид Зокирнинг ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган эди. Воқеа содир этилган жойдан ўтиб бораётган йўловчилардан бирининг хабари асосида тезда етиб келган ички ишлар ходимлари жабрланувчини касалхонага жўнатишди.

Эртаси куни бўлиб ўтган воқеалар Хуршиднинг кўзини «мошдек» очиб қўйди. У шифохонада даволанаётган дўстидан кечирим сўраб, дори-дармон учун сарфланган харажатларни ўз зиммасига олади. Аммо сўнгги пушаймон – ўзингга душман, деганларидек, Хуршид Эргашевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича Асака шаҳар суди Хуршид Эргашевга нисбатан тегишли жазо тайинлади. Суд жараёнида айбланувчининг ёшлиги, оиласи борлиги, муқаддам судланмаганлиги, қилган ишидан қаттиқ пушаймонлиги, жабрланувчи билан ярашиб олганлиги ва бошқа айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар кўриб чиқилди ҳамда Хуршид Эргашевни очиқда қолдиришга қарор қилинди. Ушбу берилган имкониятдан судланувчи Х. Эргашев тўғри хулоса чиқариши, бундан кейин жамиятда юриш-туриш қоидаларига амал қилиши керак. Унинг бу қисмати бошқа тенгдошларига сабоқ бўлса ажаб эмас.

**Азизхон БУЗРУКОВ, журналист.**

*Андижон вилояти.*



## Жиноятга жазо муқаррар

**Моҳигул ва Арслон ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари бир-бирига кўнгил қўйди. Бошқа синфдошлар уларнинг муносабатига ҳавас қилишарди. Битирув кечаси Арслон қизга бир шода шиширилган шар совға қилиб, ҳаммани ҳайратга солган эди. Синфдошлар ўз орзу-ниятларини айтиб, шарларни бирга осмонга учиришганди. Ўшанда орадан тўрт йил ўтиб икки севишган ҳаётида фожиа рўй бериши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди.**



# «УНИ ЖОНИМДАН ОРТИҚ КЎРАРДИМ...»

Мактабни битиргач, бир йилдан сўнг улар турмуш қуришди. Дастлаб ҳаётлари тотувликда кечди. Келинчак қайнонасининг кўнглига ёқиш учун жон дили билан ҳаракат қилди. Орадан уч йил ўтса ҳамки меҳр ришталарини боғловчи фарзанд дунёга келмаётгани оила аъзоларига армон бўлаётган эди. Эр-хотиннинг кўринмаган шифокори, қўлламаган муолажаси қолмади. Бироқ булар самара бермади. Шу сабаблими, бора-бора арзимаган нарса учун қайнона-келин ўртасида жанжал чиқа бошлади. Бундай пайтда Арслон онасининг ёнини олар, ҳатто умр йўлдошига қўл кўтарган пайтлари ҳам бўларди. Тўғри, кейин қилмиши учун хотинидан узр сўрарди. Аммо бу билан аёлнинг аллақачон дарз кетган кўнглини тиклаш мушкул эди. Арслон низолардан безиб ишдан бўшади ва пул ишлаб келиш учун пойтахтга жўнади. Рафиқасининг туғилган кунида уйга талайгина совғалар билан кириб келди. Назарида муносабатлар тиклангандек эди. У хотиржам бўлиб яна Тошкентга жўнади.

...Ўша куни Моҳигул эрта туриб томорқадан картошка кавламоқчи бўлди. Лекин қайнонаси уй юмушларига қарашиб юборишни илтимос қилди. Моҳигул унча рўйхушлик бермаган эди ўртада келишмовчилик келиб чиқди. Кутилмаганда у келинини дўппослай бошлади. Моҳигул аразлаб, отасининг уйига кетиб қолди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач оқшом чоғи хонадон олдида Арслон пайдо бўлди.

– Келган бўлса уйга кирсин, – деди Моҳигулнинг отаси.

– Яхшиси олдига ўзим чиқаман, – деди Моҳигул.

– Шошма, сен билан бирга бораман, – деди онаси. – Қандай ниятда келганини билмайсанку, ахир.

Арслон Моҳигулдан ҳол-аҳвол сўрагач уйдан нега кетиб қолганини сўради. Аёл бўлган воқеани гапириб берди.

– Яхшиси ажрашайлик, – деди у. – Ўртамизда фарзанд йўқ, бошқа аёлга уйланинг.

– Қизим тўғри айтаяпти, – уларнинг суҳбатига қўшилди Сарвара ая. – Балки бошқа биров билан яшасанглар иккингизнинг ҳам бахтингиз очилиб кетар.

– Нималар деяпсиз, ойи, – бақириб юборди Арслон.– Менга Моҳигулдан бошқа аёл керак эмас. Кўрасиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Юр, уйга кетамиз Моҳигул!

– Бормайман, Арслон ака, – деди аёл. – Сиз мени кўп ранжитдингиз, ҳатто бир неча марта қўл кўтардингиз. Энди ҳаётимизни изга тушириш мушкул.

Арслон индамай ортига бурилиб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қайтиб келиб, онаси билан айвонда гаплашиб ўтирган Моҳигулни чақирди. Ташқарига чиққан аёл бирпасдан кейин бақириб юборди. Кўчага отилган Сарвара ая қизи қонга беланиб ётганини кўрди. Арслон қайнонасига ҳам тиғ санчди. Бирпасда қўшнилар тўпланишди. Арслон ички ишлар идорасига бориб, бўлган воқеани айтиб берди.

«Севимли ёримни жонимдан ортиқ кўрардим. Мен билан яшамагани учун уни ўлдирдим, – деди у тергов пайтида. Ана шундай ўй билан икки бегуноҳ кишининг умрига зомин бўлган Арслон суд ҳукми билан 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Дилбар САЛОХИТДИНОВА.**

*Самарқанд вилояти.*

## Гиёҳвандлик – иллат

# ТОМОРҚАДАГИ «СИРЛИ» ЭКИНЛАР

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида яшовчи Р. Саидбек томорқасига маккажўхори экиб, у ер, бу ерига наша уруғидан ташлаб қўйди. Ҳар гал томорқадаги экинлар парваришини хотини бажарарди. Энди унинг жўхоризордан нари кетмаётганидан хотини ажабланиб:

– Ҳой дадаси, жўхорининг ичидан бир нима топиб олганмисиз, нега ичидан чиқолмай қолдингиз? – дея сўради.

Р. Саидбек эса жўхоризор ичидан туриб:

– Ҳаммага эрим томорқага қарамайди деб арз қилардинг, мен сенга қандай ишлашни кўрсатиб қўяман, – дея ўшқириб берди.

Ҳар гал томорқадаги экинзорни айланаркан у аслида жўхориларни эмас, нашаларнинг барқ уриб ўсаётганидан завқланиб, келадиган «даромад»ни хомчўт қиларди. Хаёлида чўнтаги тўла, тахлам-тахлам пулларга тўлиб, қишлоқда кимсан, фалончи бойвачча деган номи бўлишига яқин кунлар қолгандай туюларди.

Кундузи маккажўхоризорда, тунда чордоқда ивирсиб юрадиган одат чиқарган Р. Саидбекнинг асл ниятини ички ишлар ходимлари ошкор этишди. Туманда олиб борилган гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида кенг қамровли тадбир давомида овлоқ жойлар, хонадонларнинг томорқалари синчиклаб текширувдан ўтказилаётганида Қ. Султонов номли сувдан фойдаланиш уюшмаси ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро Р. Саидбек ўзи яшайдиган уйининг томорқасида 22 туп наша ўстираётганлигини аниқладилар. У аввалига бу ўсимлик ёввойи ҳолда ўзи униб чиққанини рўкач қилмоқчи бўлди. Аммо ички ишлар ходимлари яшаш уйининг томи ичида гиёҳвандлик моддаларини қуритиб, елим халталарга солиб, қадоқлаб қўйилганини топганларидан кейин айбини тан олди. Маълумотлар йиғилиб, далилий ашёлар билан биргаликда далолатнома тузилиб, иш судга оширилди.

Жиноят ишлари бўйича Сайхунобод тумани суди мавжуд ҳолатларни атрофлича кўриб чиқди. Холислар иштирокида судланувчи Р. Саидбекнинг уйи томорқаси ва чордоғидан далилий ашё тариқасида олинган гиёҳвандлик ўсимликлари, шунингдек, жами 16 килограммдан ортиқ наркотик модда топилгани баён этилди. Р. Саидбек содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфли эканлиги ҳисобга олиниб, жиноятига яраша жазо белгилади.

**Барот ШОДМОНОВ, истеъфодаги майор.**

*Сирдарё вилояти.*

---

Республика ИИВ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош инспектор, подполковник Собиржон Разметовга отаси

**Пардабой РАЗМЕТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ҲООБ бошлиғи, полковник Муҳсин Дўстовга онаси

**АҚИЛОЙ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, Транспортдаги ИИБ «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси маҳсулотлари ва бошқа қимматбаҳо юкларни кузатиш бўйича махсус милиция батальони Ховос темир йўл бекатидаги иккинчи милиция ротаси командири, майор Дилшод Ваҳобжоновга онаси

**МАЛИКАХОН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник

**Мирвосил МИРҚОСИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

## 21 февраль – Халқаро она тили куни

# СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР




Тил, фалсафа ва бадиий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган халқ мақоллари фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанридир. Ҳар бири тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, ақл-фаросат ва тафаккуримиз мантиқини ҳайратомуз бир қудрат билан намойиш этган ва эта оладиган бундай бадиият қатралари халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бамисоли бир ойнасидир. Бу бадиий ойнада унинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари, қисқаси, ўзи ва ўзлиги тўла намоён бўлгандир. Шунинг учун ҳам мақоллар ғоятда кенг тарқалган бўлиб, асрлар давомида жонли сўзлашув ва ўзаро нутқий муносабатларда, бадиий, тарихий ва илмий асарларда, сиёсий ва публицистик адабиётда доимий равишда қўлланилиб келган ва қўлланмоқда. Йиллар, даврлар ўтиб уларнинг янгилари яратилиб турган, эскиларининг – жонли муомалада, тилда мавжудларининг маъно доираси кенгайиб ёки торайиб борган. Ҳатто уларнинг муайян қисми унутилиб кетган. Чунки ўзбек халқининг бундай улкан фольклор мероси фольклористик нуқтаи назардан кейинги асрларгача деярли тўпланмай ва ўрганилмай келган. Бундан халқ мақоллари ўтмиш адиблари, шоирлари, тарихчилари эътиборидан мутлақо четда экан, деган хулоса чиқармаслигимиз керак. Мақолга адабий нуқтаи назардан қизиқиш, асар бадиийлигини ошириш ва бадиий тил равонлигини таъминлаш учун ундан фойдаланиш ҳамма замон сўз санъаткорларининг диққат марказида бўлган. Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Абдулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Нодира, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Ҳамза, Садриддин Айний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом ва бошқа ўнлаб ижодкорларнинг асарлари синчиклаб ўрганилса, уларнинг таркибида қанчадан-қанча мақоллар баъзан айнан, баъзан ўзгарган ҳолда мавжудлигига қаноат ҳосил қиламиз. Тарихимизда ҳатто мақолга махсус, агар таъбир жоиз бўлса, фольклористик нуқтаи назардан, гарчи эпизодик характерда бўлса-да, муносабатда бўлинган ҳолларга ҳам дуч келамиз. XI асрнинг улкан тилшунос олими, фольклоршунос ва этнограф Маҳмуд Қошғарийнинг тўпловчилик фаолияти ва унинг «Девону луғотит турк» асари бунга ёрқин мисол бўла олади. «Девон»да турли муносабатлар билан туркий халқлар орасида кенг тарқалган 400 га яқин мақол ва маталлар ҳам келтириладики, уларнинг аксарияти бугун ҳам айрим ўзгаришлар билан тилимизда муваффақиятли равишда ишлатилмоқда. Бу ўринда адабиётимиз тарихида мақоллар асосида яратилган асарлар ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Масалан, Муҳаммад Шариф Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари таркибида 300 дан ортиқ мақол бор. Ёки, Сулаймонқул Рожий ўзининг «Зарбулмасал» асарида 400 дан ортиқ мақолни шеърий вазнга солганлиги ҳам эътиборга лойиқ ҳодисадир.

Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар хулосасини тугал фикр тарзида қатъий қутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади.

Қуйида Сиз азиз муштарийларимиз эътиборига ана шундай халқ мақолларидан намуналар ҳавола этамиз...

### ВАТАН ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАҚИДА

**Айрилмагин элингдан,
Қувват кетар белингдан.**

* * *

**Балиқ сув билан тирик,
Одам – эл билан.**

* * *

**Булбул чаманни севар,
Одам – Ватанни.**

* * *

**Ватан гадоси – кафан гадоси.
Ватан учун ўлмоқ ҳам шараф.**

* * *

**Душманга нафрати бўлмаганнинг
Ватанга муҳаббати бўлмас.**

* * *

**Ёридан айрилган етти йил йиғлар,
Юртидан айрилган ўлгунча йиғлар.**

* * *

**Йигит ғами элида,
Элнинг ғами дилида.**

* * *

**Ўзга юртда шоҳ бўлгунча,
Ўз юртингда гадо бўл.**

* * *

**Она юртинг омон бўлса,
Ранги рўйинг сомон бўлмас.**

* * *

**Туғилган ердан кўнгил узилмас,
Юрт кўрганнинг юрти бузилмас.**

### АҲИЛЛИК ВА ХУДБИНЛИК ҲАҚИДА

**Айрилганни айиқ ер,
Бўлинганни бўри ер.**

* * *

**Балиқнинг куни кўл билан,
Ботирнинг куни эл билан.**

* * *

**Бир тупурса, не бўлар,
Эл тупурса, кўл бўлар.**

* * *

**Бирлашган – ўзар,
Бирлашмаган – тўзар,**

* * *

**Ёлғиз отнинг чанги чиқмас,
Чанги чиқса ҳам доңғи чиқмас.**

* * *

**Кўпчилик бир муштдан урса, ўлдирар,
Бир бурдадан берса, тўйдирар.**

* * *

**Сувнинг оқишига қара,
Халқнинг хоҳишига қара.**

* * *

**Халқ пуфласа, бўрон бўлар,
Халқ тепинса – зилзила.**

* * *

**Халқ қарғаса, хор бўласан,
Халқ қўлласа, бор бўласан.**

* * *

**Халққа хиёнат қилдинг,
Ўзингга жиноят қилдинг.**

### МЕҲНАТСЕВАРЛИК ВА ИШЁҚМАСЛИК ҲАҚИДА

**Ари заҳрин чекмаган
Бол қадрини билмас.**

* * *

**Аҳмоқнинг кулгуси кўп,
Дангасанинг – уйқуси.**

* * *

**Бекорчидан эл безор,
Сўзидан кўнгил озар.**

* * *

**Бекорчининг бети йўқ,
Қозон осар эти йўқ.**

* * *

**Берсанг – оласан, эксанг – ўрасан.**

* * *

**Бировнинг бергани – кўргулик,
Меҳнатнинг бергани – тўйгулик.**

* * *

**Боғни боқсанг – боғ бўлур,
Ботмон даҳсар ёғ бўлур.
Боқимсиз боғ тоғ бўлур,
Юрак-бағринг доғ бўлур.**

* * *

**Гап десанг, қоп-қоп,
Иш десанг, Аштархондан топ.**

* * *

**Дангасага иш буюрсанг,
Отангдан ортиқ насиҳат қилар.**

* * *

**Дангасанинг иши битмас,
Ёз келса ҳам қиши битмас.**



**– Зў-ўр қор ёғди-да, энди мазза қилиб қорбўрон ўйнаймиз.**

---

**DIQQAT, TEST!**

## TARIX FANIDAN TESTLAR

*(Davomi. Boshlanishi o'tgan sonlarda).*

**II BO'LIM. QADIMGI SHARQ VA O'RTA OSIYO**

**131. Nil daryosi Afrikaning qayerida joylashgan?**
a) shimoli g'arbida
b) shimoli sharqida
c) janubi g'arbida
d) janubi sharqida

**132. Nil daryosi qayirlarini yunonlar nima deb atashgan?**
a) alfa b) beta
c) gamma d) delta

**133. Nil vodiysi har ikkalar qirg'oq bo'ylab sug'oriladigan yerlari necha kilometrgacha cho'zilgan?**
a) 40 b) 30
c) 20 d) 10

**134. Qayerni "Qora tuproq" deb nomlashgan?**
a) Misr b) Mesopattamiya
c) Xitoy d) Hindiston

**135. Qachondan boshlab odamlar Nil daryosi qirg'oqlaridagi yerlarni o'zlashtira boshlaganlar?**
a) mil. avv. III mingyillik oxirlarida
b) mil. avv. IV mingyillik boshlarida
c) mil. avv. IV mingyillik o'rtalarida
d) mil. avv. IV mingyillik oxirlarida

**136. Misrlik dehqonlar nimalar ekishgan?**
a) bug'doy va arpa
b) bug'doy va paxta
c) sholi va arpa
d) sholi va bug'doy

**137. Misrliklar yetishtirgan kanopdan nimalar to'qishgan?**
a) gazlama b) savat
c) ip d) kiyim-kechak

**138. Qadimgi Misr hunarmandlarining qanchadan ziyod kasb-korlari bo'lgan?**
a) 50 b) 40 c) 30 d) 20

**139. Oddiy misrliklar qanday uylarda yashashgan?**
a) somon qo'shib qorilgan loydan qurilgan, oftobda quritilgan xom g'ishtdan qurilgan uylarda
b) loy suvalgan papirus poyalaridan qurilgan uylarda
c) toshdan qurilgan uylarda
d) pishgan g'ishtdan qurilgan uylarda

**140. Zodagonlar qanday uylarda yashaganlar?**
a) somon qo'shib qorilgan loydan qurilgan, oftobda quritilgan xom g'ishtdan qurilgan uylarda
b) loy suvalgan papirus poyalaridan qurilgan uylarda
c) toshdan qurilgan uylarda
d) pishgan g'ishtdan qurilgan uylarda

**141. Hukmdor fir'avn saroylari va ibodatxonalar nimalardan qurilgan?**
a) somon qo'shib qorilgan loydan qurilgan, oftobda quritilgan xom g'ishtdan
b) loy suvalgan papirus poyalaridan
c) toshdan
d) pishgan g'ishtdan

**142. Misrda ilk davlatlarni nima deb atashgan?**
a) pilos b) shahar
c) nom d) davlat

**143. Mil. avv. 3000-yilda kim Quyi va Yuqori Misrlarni birlashtirgan?**
a) Yaxmos b) Tutmos II
c) Sargon I d) Menes

**144. Yuqori Misr Misrning qaysi qismida joylashgan?**
a) shimoliy b) janubiy
c) g'arbiy d) sharqiy

**145. Birinchi fir'avn kim bo'lgan?**
a) Yaxmos b) Tutmos II
c) Sargon I d) Menes

**146. Menes qaysi shaharni poytaxt sifatida qurdirgan?**
a) Memfis b) Fiva
c) Bobil d) Panjob

**147. Olimlar Misr tarixini necha qismga bo'lishgan?**
a) 5 b) 4
c) 3 d) 2

**148. O'rta podsholik tugagandan keyin Misr poytaxti qaysi shahar edi?**
a) Memfis b) Fiva
c) Bobil d) Panjob

**149. Misr janubidagi davlat qaysi?**
a) Liviya b) Falastin
c) Sinay yarim oroli d) Nubiya

**150. Misr g'arbidagi davlat qaysi?**
a) Liviya b) Falastin
c) Sinay yarim oroli d) Nubiya

**151. Arabiston sahrosi orqali o'tadigan yo'l qayerga olib borardi?**
a) Liviya b) Falastin
c) Sinay yarim oroli d) Nubiya

**152. Sinay yarim orolidan shimolroqda qaysi davlat joylashgan?**
a) Liviya b) Falastin
c) Sinay yarim oroli d) Nubiya

**153. Qaysi davlatga Misrliklar Nil bo'ylab oltin, smola (qatron), fil suyagi, nodir navli yog'ochlarni ayirboshlash uchun borishadi?**
a) Liviya b) Falastin
c) Sinay yarim oroli d) Nubiya

**154. Liviya aholisi kimlar bo'lgan?**
a) dehqonlar
b) ko'chmanchi chorvadorlar
c) savdogarlar
d) hunarmandlar

**155. Arabiston sahrosida kimlar istiqomat qilganlar?**
a) dehqonlar
b) ko'chmanchi chorvadorlar
c) savdogarlar
d) hech kim

**156. Sinay yarim orolida nima qazib olinadi?**
a) oltin b) mis
c) qalay d) kumush

**157. Falastinning yonboshida qaysi davlat joylashgan?**
a) Liviya b) Falastin
c) Suriya d) Nubiya

**158. Suriya qanday qazilma boyliklarga boy?**
a) oltin va kumush
b) mis vat temir rudasi
c) qalay va mis
d) kumush va mis

**159. Sinay yarim oroli qaysi podsholik davrida bosib olingan?**
a) qadimgi b) o'rta
c) yangi d) so'nggi

**160. O'rta podsholik davrida Misr qayelarni bosib olgan?**
a) janubiy Falastin va shimoliy Nubiya
b) shimoliy Falastin va janubiy Nubiya
c) g'arbiy Liviya va shimoliy Nubiya
d) janubiy Falastin va g'arbiy Liviya

*(Davomi bor).*

**Tuzuvchi T. ESHONOV.**

**AVVALGI SONDA BERILGAN TECT SAVOLLARINING JAVOBLARI:**
**107 – b, 108 – d, 109 – a, 110 – b, 111 – b, 112 – a, 113 – b, 114 – d, 115 – c, 116 – d, 117 – a, 118 – a, 119 – a, 120 – b, 121 – b, 122 – c, 123 – c, 124 – d, 125 – d, 126 – c, 127 – a, 128 – a, 129 – a, 130 – b.**

---

**ДИҚҚАТ**

## Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва унинг тизимларида ўрнатилган «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

| | |
|---|---|
| 1. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | (8-361) 222-56-76 |
| 2. ППХваЖТСБ | (8-361) 225-15-44 |
| 3. ЁХБ | (8-361) 223-90-74 |
| 4. ЙҲХБ | (8-361) 224-55-13 |
| 5. Нукус шаҳар ИИБ | (8-361) 223-25-01 |
| 6. Тахиаташ шаҳар ИИБ | (8-361) 572-59-40 |
| 7. Амударё тумани ИИБ | (8-361) 515-37-67 |
| 8. Беруний тумани ИИБ | (8-361) 524-26-30 |
| 9. Қонликўл тумани ИИБ | (8-361) 332-11-34 |
| 10. Қораўзак тумани ИИБ | (8-361) 465-51-02 |
| 11. Кегейли тумани ИИБ | (8-361) 412-19-02 |
| 12. Қўнғирот тумани ИИБ | (8-361) 312-19-56 |
| 13. Мўйноқ тумани ИИБ | (8-361) 322-13-99 |
| 14. Нукус тумани ИИБ | (8-361) 425-56-41 |
| 15. Тахтакўпир тумани ИИБ | (8-361) 435-11-02 |
| 16. Тўрткўл тумани ИИБ | (8-361) 532-33-02 |
| 17. Хўжайли тумани ИИБ | (8-361) 554-71-02 |
| 18. Чимбой тумани ИИБ | (8-361) 444-04-39 |
| 19. Шуманой тумани ИИБ | (8-361) 346-25-44 |
| 20. Элликқалъа тумани ИИБ | (8-361) 585-30-02 |

**ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

**Маълумот учун телефонлар:**

232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.

**Манзил:**

Чилонзор тумани,
Олмазор мавзеси 17-уй.

**Мўлжал:**

Бешёғоч майдони,
Муқимий театри.

---

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

**ҚЎЙ.**

Юлдузлар бу ҳафтада мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракатлар ижобат бўлиши мумкинлигидан дарак беряпти. Имкониятни ишга солишнинг вақти етди. Ҳафтанинг иккинчи ярми дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун қулай бўлади. Яқинлар, дўстлар билан мириқиб суҳбатлашиш, айрим масалаларда маслаҳатлашиш учун вақт ажратиш лозим.

**СИГИР.**

Ҳафтани келгуси иш режаларини тузиб олишдан бошлаш маъқул бўлади. Ўзингизни қизиқтирган вазият, жараёнлар ҳақида янги хабарлар эшитасиз. Дўстлар сафини кенгайтиришга эътибор беринг. Уларнинг сонидан кўра сифатини ҳисобга олган яхши. Ҳамфикрлар, тижоратда шерикларни танлашда адашманг. Ижодий иш режаларини бойитиш кераклигини эслатиб ўтамиз.

**ЭГИЗАКЛАР.**

Мақсадга етиш учун бошланган ҳаракатда сусткашлик қилмасдан, дадил қадам босишни маслаҳат берамиз. Таваккалчилик ҳам яхши натижа беришини унутманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида мақсад ва истакларингиз янада кўпайиши мумкин. Ҳаммасига баравар эришиб бўлмайди, албатта. Шунинг учун энг зарурлари йўлида ҳаракат қилиш лозим бўлади.

**ҚИСҚИЧБАҚА.**

Юлдузлар келаётган ҳафтада янги билимлар олиш учун хоҳишингиз кучайишидан дарак беряпти. Муаллим, мураббий топиб, янги билим олишга киришган маъқул. Илмий тадқиқот ва тажрибалар ўтказиш учун қулай бўлади. Дунёқарашни бойитиш учун имконият туғилиши кутиляпти. Ҳафтанинг иккинчи ярмида сирли хабарлардан воқиф бўлиш эҳтимоли бор.

**АРСЛОН.**

Ҳафтанинг биринчи ярмида саломатликни сақлашга эътибор қаратишни маслаҳат берамиз. Касалликни даволаш ва профилактик ишларнинг айни вақти эканини унутманг. Шахсий муносабатларда ўзаро бир-бирини тушуниш муҳим эканини эслатиб ўтамиз. Муҳим топшириқни бажаришда билим ва тажрибани ишга солиб, ютуққа эришиб, мавқеингизни ошириб олиш лозим.

**БОШОҚ.**

Шахсий муносабатларда айрим ўзгаришлар бўлиши эҳтимоли бор. Уларни ривожлантириш ёки ўзгартиришнинг ўзингизга боғлиқ бўлмаган жиҳатлари ҳам борлигини унутманг. Бўйдоқлар ўз жуфтларини топишлари, муносабатлар жиддий тус олиши мумкин. Саломатликни сақлашда дам олиш ва шахсий гигиенага эътибор бериш катта аҳамият касб этади.

**ТАРОЗИ.**

Эртанги кунга ишонч билан яшашни ўрганинг. Хонадонда қулайликлар яратиш, маиший юмушларни бажариш учун вақт ажратинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида бир неча ишга қўл урмасдан, энг керакли ва зарурини бажаришга киришинг.

**ЧАЁН.**

Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярмида янги танишувлар бўлишидан дарак беряпти. Романтик кайфиятда бўлишингиз учрашув ва танишувларга чорлайди. Ижодий имкониятларни ишга солиб, иқтидорингизни намоён этишга қулай бўлади. Спортчиларни ҳам кутилмаган ютуқлар кутяпти. Мақтов сўзлардан ҳаволанмай изланишни, ўрганишни давом эттирган маъқул.

**ЁЙ.**

Ҳафтанинг биринчи ярми катта харидлар, кўчмас мулк масалаларини ҳал этишга қулай келиши кутиляпти. Хонадонда таъмирлаш ишларини бажаришга вақт ажратинг. Қариндош, таниш-билишлар билан муносабатни яхшилаб олишга ҳафтанинг иккинчи ярми қулай бўлади. Гинакудратни унутиб, ришталарни мустаҳкамланг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.**

Фаол машқлар учун қулай ҳафта бўлиши мумкин. Тез-тез сайрга чиқиш, эрталаб югуриш кабиларни кун тартибига киритишни маслаҳат берамиз. Қисқа саёҳатга чиқиш саломатликка фойдалидир. Ҳафтанинг иккинчи ярми суҳбат, мулоқотларга бой бўлади. Молиявий масалаларни ҳал этишда ички туйғуга қулоқ тутинг.

**ҚОВҒА.**

Ҳафтанинг биринчи ярми асосан молиявий масалаларни ҳал этиш билан ўтиши мумкин. Олди-сотди ишлари, пул, моддий бойликлар билан муомала қилишда аниқлик ва эҳтиёткорлик талаб этилади. Моддий аҳволни яхшилаб олиш имконияти туғилиши кутиляпти.

**БАЛИҚ.**

Янги режа ва ғояларнинг туғилиши, уларни амалга ошириш учун жиддий ҳаракатларга ундайди. Дўст ва ҳамкасблар ижодий имконият ва иқтидорингиз нималарга қодир эканидан яна бир бор воқиф бўладилар. Ҳафтанинг иккинчи ярми нисбатан омадли бўлиши кутилмоқда. Худбинлик қилмасдан саховатли бўлиш мавқеингизни оширади.

ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS:
**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Umida BOLLIYEVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88;
**Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-8993. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 61695 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**